

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН МУЩАНДИСЛИК-ИСТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

“БУХГАЛТЕРИЯ ШИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРАСИ

М.Б.ЮСУПОВА

**МАГИСТРАТУРАНИНГ
“БУХГАЛТЕРИЯ ШИСОБИ”
МУТАХАССИСЛИГИ УЧУН**

«Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари»

ФАНИДАН

МАЪРУЗАЛАР КУРСИ

Андижон - 2006 йил

1. Ушбу маърузалар курси институт **Илмий-Услубий Кенгашида** кыриб чи=илган ва фойдаланишга тавсия этилган.

« ____ » _____ 200 йил. Баённома № ____

2. Та=ризчилар:

1. «Бухгалтерия шисоби ва аудит» кафедраси доценти,
и.ф.н. А.Хакимов
2. «Молиявий менежмент» кафедраси катта ўқитувчиси,
и.ф.н. З.Сиддиқова

Ушбу маърузалар курси **Факультет Кенгашида** кыриб чи=илган ва фойдаланишга тавсия этилган.

« ____ » _____ 200 йил. Баённома № ____

Факультет кенгаши раиси:

Н. Тыйчибоев.

1-мавзу: Молиявий Ҳисоботлар Халқаро Стандартлари бўйича Комитетнинг умумий тавсифи

- 1. Молиявий Ҳисоботлар Халқаро Стандартлари бўйича Комитетнинг мақсади ва ташкилотнинг тавсифи.**
- 2. Молиявий Ҳисоботлар Халқаро Стандартларини ишлаб чиқиш ва унга Изоҳлар.**
- 3. Молиявий Ҳисоботлар Халқаро Стандартларидан фойдаланиш имкониятлари ва қўлами.**

1. Молиявий Ҳисоботлар Халқаро Стандартлари бўйича Комитетнинг мақсади ва ташкилотнинг тавсифи.

Ҳозирги иқтисодий ривожланиш даврида молиявий ҳисоботнинг икки глобал тили янада кўпроқ тан олинмоқда : АҚШ бухгалтерия ҳисоби умумқабул қилинган принциплари (US GAAP) ва Молиявий Ҳисобот Халқаро Стандартлари. Молиявий ҳисобот аниқлиги ва яқунланганлиги, унинг глобал компаниялар томонидан фойдаланиш эҳтиёжлари туфайли кўпроқ Молиявий Ҳисобот Халқаро Стандартларига мурожаат этишмоқда. МҲХС асосида тайёрланган ҳисоботни жуда кўп мамлакатлар қимматбаҳо қоғозлар бозорлари томонидан эътироф этилмоқда.

Молиявий Ҳисобот Халқаро Стандартлари бўйича Комитет (МҲХСК) – нодавлат ташкилот бўлиб, унга бутун жаҳон бухгалтерлик фаолияти соҳасининг вакиллари аъзодирлар. Комитет доимий равишда Молиявий Ҳисобот Халқаро Стандартларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш учун жавобгардир. Молиявий Ҳисобот Халқаро Стандартлари эса, маълумки, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш бўйича халқаро миқёсда умумқабул қилинган қоидалардир.

МҲХСК – мустақил нотижорат ташкилот бўлиб, у бутун жаҳонда тижорат корхоналари ва бошқа ташкилотлар томонидан молиявий ҳисоботларни тузиш жараёнида қўлланиладиган бухгалтерлик принципларини мувофиқлаштиришга эришиш мақсадида тузилгандир.

Гап шундаки, БМТ давлатлараро эксперт гуруҳи бир қанча корпорациялар буйича ҳисобни ташкил этиш амалиёти ва 46 миллий ҳисоб тизими буйича ҳисобот берилишини ўрганиб чиқиб, кўп кўрсаткичлар бўйича миллий ҳисоб тизимларини таққослаб бўлмаслиги ҳақидаги хулосага келди. Марказ ҳисоботида шундай хулосага келинди: айрим ривожланган мамлакатларда кўп сонли компаниялар ҳисоб даврининг охиригача эълон қилинган фойдага тенглаш мақсадида турли резерв тизимларини ишлатадилар. Миллий ҳисоб тизимларида амалдаги барча белгилари бўйича ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда миллий тизимларни ажратиб турган бир қанча фарқлар ўрин эгаллар экан.

Мутахассислар томонидан 13 та миллий ҳисоб тизимининг ўрганилиши шуни курсатдики, улардан фақат 4 тасидагина (Германия, АКШ, Англия, Япония) ресурсларни баҳолаш услубияти давлат томонидан қонуний равишда белгилаб қўйилар экан. Натижада ресурслар энг кам баҳолаш усулида ҳисобланиб, давлат фойдасини кўзлайди, чунки, компания бу ҳолда фойда суммасини максимал даражада кўрсатишга мажбур бўлади.

Бу миллий тизимларнинг яна 23 тасини ўрганиш шуни курсатадики, улардан 8 тасида (Австралия, Бельгия, Канада, Франция, Италия, Норвегия, Швеция, Швейцария) давлат учун эмас, балки корхона учун қулайроқ шароит яратар экан. У ташқи бозорда миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва қатор бошқа шароитларни тақозо этади. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, миллий бухгалтерия ҳисоби янги йўналишларни ишлатиш ҳисоби билан мамлакат иқтисоди ривожланиши маълум тактик ва стратегик вазифаларини ечишга имкон беради. Бухгалтерия ҳисоби миллий тизимлари таҳлили нуқтаи назаридан фирмаларнинг маблағ ва ресурсларини чет эл валютасида акс эттирилиши қизиқиш уйғотади.

Баланс тузилган сананинг жорий курси бўйича баҳоланган чет эл валютасида баланс моддаларининг кенгайиш даражаси бўйича таҳлил ўтказилди ва маълумотлар тузилди. Бу жиҳатдан фирмаларга кўпроқ даражада қулайликлар Франция, Япония, Норвегия, Нидерландия, Англия, Швейцария мамлакатларида, Австралия ва АКШ фирмалари учун эса камроқ қулайликлар мавжуд эканлиги аниқланди.

Миллий ҳисоб тизимларида иқтисодни тартибга солишга давлатнинг таъсир даражаси ҳам мутахассислар томонидан таҳлил қилинди. Аргентина, Мексика, Перу, Филиппин, Венесуэла миллий тизимлари иқтисодни тартибга солишда сезиларли даражада таъсир кўрсатувчи давлатларга киради. Колумбия, Нигерия ва Заирда миллий ҳисоб тизимининг ишлатилиш воситаси билан давлат иқтисодига қисман таъсир этадиган давлатлардир. Қолган мамлакатларда турли даражада 20 дан 70% гача давлатнинг оралик таъсири кузатилади. Халқаро ҳисоб амалиёти таҳлили уларнинг шаклланишининг давлатлараро ташкилотлар, бухгалтерия ҳисоби халқаро профессионал ташкилотлари, халқаро профсоюз ташкилоти таъсирида шаклланишининг турли йўналишларини ҳам ажратишга имкон яратди.

Мамлакатлараро тизимнинг шаклланиши билан параллел ҳолда халқаро бухгалтерия ҳисоби тизими, ягона ҳисоб ва ҳисобот бериш халқаро тизимига миллий регионал ҳисоб тизимларининг яхлит бир бутун қилиб бирлаштирилиши бўлиб ўтди.

Гап шундаки, XX асрнинг иккинчи ярми халқаро иқтисодий муносабатларнинг кучайиши, мамлакатлараро ва қитъалараро меҳнат тақсимооти, ишлаб чиқаришнинг кооперациялашуви, ихтисослашуви билан характерланади. Илмий-техник тараққиёт натижаларидан фойдаланиш натижасида чет эл инвестициясини жалб қилиш, ишлаб чиқаришнинг

интернационализацияшуви транснационал ва мултинационал корпорацияларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Транснационал корпорацияларга қуйидагилар мисол бўла олади: IBM (АҚШ), Тойота Мотор (Япония), Дженерал Электрик (АҚШ), Тошиба (Япония), Дженерал Моторз (АҚШ), Дюпон (АҚШ). Муҳими шуки, бутун жаҳон миқёсидаги маҳсулотларининг асосий қисми 25 та шундай йирик корпорацияларда ишлаб чиқарилади. Шунинг билан бирга ишонч билан айтиш мумкинки, XX асрда иқтисодни интернационализация қилиш бўлиб ўтди ва у билан бирга бухгалтерия ҳисоби интернационализация килинди. Бу бир қанча муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келди:

- халқаро тажрибаларга асосланиб молиявий ҳисобот тузиш;
- халқаро ёки миллий ҳисоб қоидаларига бўйсунтириш;
- халқаро бизнес билан мосликда информацион-бошқарув тизимини ташкил қилиш;
- жорий ҳисоботлар учун кредитларни чет эл валютасида акс эттириш.

Қилинган ишлар натижасида БМТ вакиллари хулосага келишдики, турли мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботни топширишга хилма-хил қарашлар мавжуд бўлса ҳам, дунё хўжалиги ва молиявий бозорларнинг интернационализациялашувини акс эттирувчи умумий тамойилларни ишлаб чиқиш зарур. Шу мақсадлар учун ҳам Бухгалтерия ҳисоби Халқаро Андозалар ёки Стандартлар бўйича Комитет (International Accountins Standart Commitee - IASC) ташкил топган.

Бу Комитетнинг бош мақсади имкон борча турли мамлакатларнинг ҳисоб андозалари ва ҳисоб сиёсатини уйғунлаштиришдир. IASC андозаларни ишлаб чиқишда фақат асосий ҳисоб параметрларига, андозаларни жуда мукамал қилишга уринмай, алоҳида олинган мамлакатда уларнинг қўлланилиши қийнаб қўймаслигига аҳамият беради.

1983 йилдан 2001 йилга қадар МҲХСК таркибига Бухгалтерлар Халқаро Федерациясига аъзо бўлган барча бухгалтер ва аудиторлар МҲХСКга 2 миллион бухгалтернинг вакили ҳисобланган 112 мамлакатнинг 153 аъзоси кирган. МҲХСК фаолиятига унинг аъзоси бўлмаган бошқа ташкилотлар ҳам жалб қилинган. МҲХСКнинг фаолиятини профессионал бухгалтерлардан ташқари кўпчилик бизнес ҳамжамиятлари, компаниялар молиявий раҳбарлари, молиявий таҳлилчилар, фонд биржалари, банкирлар, ҳуқуқшунослар ҳамда қимматбаҳо қоғозларни чиқариш ва уларни сотишни бошқарувчи агентлар қўллаб қувватламоқдалар.

МҲХСК стандартларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан шуғулланувчи миллий органлари билан ҳам ҳамкорлик қилмоқда. МҲХСК Европа комиссияси, Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон Банки ва АҚШнинг Халқаро

Ривожланиш бўйича Агентлиги (ЮСАИД) билан ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатади.

МХХСКнинг 1992 йилда Уставида кўрсатилишича мақсади қуйидагича:

- Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш жараёнида фойдаланиш ҳамда жамоатчилик эҳтиёжи учун молиявий ҳисобот стандартларини шакллантириш ва чоп этиш, уларнинг қабул қилиниши ва уларга амал қилинишига ҳар томонлама ёндашиш;
- Молиявий ҳисоботни тақдим этишга алоқадор бўлган ҳисоб стандартлари ва жараёнлари, қоидаларини мувофиқлаштириш ва умумий ҳолда яхшилаб бориш устида иш олиб бориш.

2. Молиявий Ҳисоботлар Халқаро Стандартларини ишлаб чиқиш ва унга Изоҳлар.

Ҳозирги вақтда акционерлар ва башқа фойдаланувчилар учун тайёрланаётган молиявий ҳисоботларда мамлакатдан мамлакатга ўтиб бораётган, айрим ҳолларда бир мамлакатдагина фойдаланиладиган бухгалтерлик принциплари ва қоидалари ишлатилмоқда. Шундай қилиб бухгалтерлик ҳисоботларида таққосланувчанлик етишмаслиги мумкин. Бу ҳолатнинг ноқулайлиги шундаки, молиявий ҳисоботдан фойдаланадиган инвестицион таҳлиличилар ва бошқа фойдаланувчилар ҳисоботни таҳлил қилиш жараёнида унинг тарли стандартларга биноан тузилганлиги туфайли қўшимча харажатлар қилишига тўғри келади. Улар ҳисоботлар интерпретациясида чалкашликларга дуч келишлари ҳам мумкин. Ушбу жараён билан боғлиқ ҳолда капиталнинг жаҳон бозорида самарали рақобат ёмонлашиши, компаниялар эса капитални сақлаш бўйича юқори сарф-харажатларни ўз зиммаларига олишларига тўғри келади. Энг асосийси, турли мамлакатлар учун турлича фойда миқдори кўрсатилиши оқибатида бухгалтерлик ҳисоботларига ишонч йўқолади. Ҳисоботларнинг халқаро миқёсдаги турли туманлиги қуйидагиларга олиб келади:

- Молиявий ҳисоботларни тузишга кетадиган харажатларнинг мўлжалдан юқори даражада бўлиши – чунки транснационал компаниялар ўз фаолиятлари ҳақида турли мамлакатлар учун турлича ҳисоботлар тузишга мажбур бўладилар;
- Тижорат компаниялари турли мамлакатлардаги фаолиятлари молиявий натижаларини баҳолаш учун ягона тизимга эга бўлиш эҳтиёжи туғилади. Компаниялар, бундан ташқари, уларнинг ташқи ҳисоботлари фаолиятни баҳолашнинг ички баҳолашларига мос тушишларини ҳам хоҳлайдилар. Бу икки мақсадга эришиш эса турли мамлакатлардаги ҳисоботлар турлича бўлгани ҳолда жуда мушкул ҳисобланади.

Молиявий Ҳисобот Халқаро Стандартлари шунингдек, бухгалтерлик стандартларини ишлаб чиқувчи органлари ҳали тузилмаган ёки стандартларни ишлаб чиқишга ресурслари етарли бўлмаган ривожланаётган

мамлакатлар учун ҳам жуда фойдалидир. Молиявий Ҳисобот Стандартларини ишлаб чиқиш ўзига яраша харажатларни талаб қилади, айниқса алоҳида мамлакат учун стандартлар ишлаб чиқиш чиқим нуқтаи назаридан самарасиздир.

Ташқи иқтисодий молиявий қарорларни қўллаб қувватлаш учун эса, албатта, бутун жаҳон учун молиявий ҳисоб ва ҳисобот бўйича таркибан бир хил, умумқабул қилинган ва мажбурий стандартлар тўплами зарурдир. Айнан ана шу вазифа МҲХСК зиммасига юклатилгандир.

Қуйида МҲХСКнинг 2000 йил 1 январь ҳолатига структурасини келтирамиз. 2001 йилда унинг таркиби қисман ўзгартирилганлигини айтиб ўтамиз. МҲХСКнинг асосий тузилмаси унинг Устави билан белгиланган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек МҲХСКнинг аъзолари асосан Бухгалтерлар Халқаро Федерациясига аъзо бўлган барча бухгалтер ва аудиторлар профессионал ташкилотлари аъзодирлар. Унинг аъзолари барча фаолият учун жавобгарликни унинг Уставига биноан МҲХСК Бошқарувига топширганлар. Бошқарув қатор ҳуқуқларга эга бўлиб, шу жумладан:

- Жамоатчилик ҳукмига халқаро бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботига тегишли мунозарали ва муаммоли масалаларни, агар уларни чоп этишга Бошқарув аъзоларининг кўпчилиги овоз берган бўлса, ҳавола этиш;
- МҲХСК номидан жамоатчилик ҳукмига “Стандартларнинг дастлабки (тахминий) варинатлари” кўринишидаги ҳужжатларни ҳавола этиш;
- Бошқарув аъзоларининг тўртдан уч қисми овоз берган ҳолларда молиявий ҳисобот Халқаро Стандартларини нашр қилиш ва бошқалар.

МҲХСК томонидан Стандартни нашр қилиш жараёни

- * **Дастур ҳақида қарор**
- * **Бошқарма томонидан Тайёрлов Комитетининг тайинланиши**
- * **Асосий моментларни режалаштириш**
 - Лойиҳанинг амал қилиш соҳасини аниқлайди
 - Тайёрлов Комитети тайёрлайди, Бошқарма тасдиқлайди
- * **Принципларнинг лойиҳавий шакллантирилиши**
 - Изоҳларни йиғиш мақсадида Тайёрлов Комитети томонидан чиқарилади
- * **Принципларнинг охириги тасдиқланиши**
 - Тайёрлов Комитети томонидан тайёрланади
 - Бошқарма томонидан тасдиқланади
- * **Стандартнинг дастлабки варианты**
 - Тайёрлов Комитети томонидан тайёрланади
 - Бошқарма томонидан тасдиқланади
 - Жамоатчилик мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида чоп этилади

БҲХСК расмий нашрлари уч асосий категорияларга бўлинади:

- * *Молиявий Ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишининг Концепциялари*
- * *Молиявий Ҳисоботлар Халқаро Стандартлари*
- * *Интерпретациялар (изоҳлар)*

Нашр этилган МҲХС

БҲХСК ўз Стандартларини Молиявий Ҳисобот Халқаро Стандартлари деб номланган серия сифатида нашр этади. Стандартлар тартиб билан рақамланган бўлиб, агар бирор бир стандарт қайта кўриб чиқилса, унинг эски рақами сақланиб қолади, лекин қайта кўриб чиқиш санаси қавс ичида кўрсатилади. Одатда Стандартлар **БҲХСК** томонидан у ишлаб чиқилган санадан бошлаб 30 кун ичида нашр қилинади. Таклиф қилинаётган стандартлар эса алоҳида рақамланиб, ТҚС каби белгиланади ва улар алоҳида нашр этилади.

1998 йилда “Делойт&Туш” аудиторлик фирмасидан Сиг Эневолден МҲХСК Бошқарув Раиси этиб тайинланган эди. **МҲХСК Бошқарувига Австралия, Канада, Франция, Германия, Ҳиндистон, Япония, Мексика, АҚШ** каби мамлакатлар вакиллари аъзодирлар. Улар “ПрайсУотерХаус Куперс”, “КПМГ Аудит”, “Томатцу& К”, “Нестле” каби йирик фирма ва компаниялар вакиллари дирлар.

Бошқарув томонидан маъмурий масалалар бўйича Ижроия Комитет тайинланади. Ижроия Комитет томонидан қуйидаги вазифалар бажарилади:

- МҲХСКнинг структураси, режаси ва ташкил этилиши;
- Стандартларни тавсия этиш бўйича фаолият;
- Бюджет ва молия;
- Тайёрлов Комитетларига аъзоликнинг шартлари ва тайинланиши;
- Бошқарув йиғилишларини ўтказиш жойи ва вақтини белгилаш;
- Бош Котибни тайинлаш;
- МҲХСКнинг мажбурий расмий жараёни;
- Бухгалтерлар Халқаро Стандартлари ва аъзолари билан ўзаро алоқалар.

1981 йилда МҲХСК Бошқаруви Маслаҳат гуруҳига асос солди. Маслаҳат гуруҳига йирик ташкилотлар жалб қилинган бўлиб, улар жумласига

- * **Европа Комиссияси**
- * **Фонд Биржалар Халқаро Федерацияси**
- * **АҚШ молиявий ҳисобот стандартлари бўйича Бошқаруви**
- * **Халқаро Савдо Палатаси**
- * **Бухгалтерлик Таълими ва тадқиқотлари Халқаро Ассоциацияси**
- * **Барлар Халқаро Ассоциацияси**

- * **Меҳнат Конфедерацияси**
- * **Халқаро Молиявий Корпорация (IFC)**
- * **Баҳолаш Стандартлари бўйича Халқаро Комиссия**
- * **Жаҳон Банки**
- * **Халқаро иқтисодий Ҳамкорлик ва тараққиёт Ташкилоти**
- * **БМТнинг транснационал корпорациялар ва инвестициялар бўйича Бўлинмаси** киради.

Стандартларни ишлаб чиқишда махсус Тайёрлов Комитети фаолият кўрсатади. Ушбу Комитет дастлабки тадқиқотларни ўтказиб, масалалар режасини ҳамда уларнинг шарҳини беради. Жамоатчилик фикр-мулоҳазаларини ўрганиш асосида принципларнинг якуний формулировкасини Бошқарувга тақдим этади. Комитет Молиявий Ҳисобот Халқаро Стандартлари лойиҳасининг дастлабки вариантини ишлаб чиқади ва тақдим этади.

Юқоридаги вазифаларни ўз вақтида амалга ошишини таъминлаш мақсадида Интерпретация бўйича Доимий Комитет тузилган .

3. Молиявий Ҳисоботлар Халқаро Стандартларидан фойдаланиш имкониятлари ва кўлами.

Молиявий Ҳисоботлар Халқаро Стандартлари бутун жаҳонда молиявий ҳисобот стандартларининг яқинлашишида, келишувида ва янада яхшиланишида муҳим роль ўйнади. Улардан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- кўпчилик мамлакатларда ҳисоб ва ҳисоботга қўйиладиган миллий талаблар учун асос бўлиб хизмат қилиш;
- ҳисоб ва ҳисоботга нисбатан ўз талабларини ишлаб чиқаётган алоҳида мамлакатлар учун халқаро эталон сифатида ишлатилиши (саноати рифожланган мамлакатлар билан бир қаторда энди ривожланиб бораётган бозорлар учун, масалан, Хитой, Осиёнинг бошқа мамлакатлари ҳамда собиқ Совет Иттифоқи мамлакатлари ҳам шулар жумласидандир);
- фонд биржалари ва тартибга солувчи органлар томонидан молиявий ҳисоботни Молиявий Ҳисоботлар Халқаро Стандартларига мос равишда тузилишини талаб қилган ҳолларда;
- капитал бозорлари учун стандартлар ишлаб чиқишда тўлиғича Молиявий Ҳисоботлар Халқаро Стандартларига асосланишга қарор қилган Европа Комиссияси каби миллий органлар томонидан ишлатилиши;
- Молиявий Ҳисоботлар Халқаро Стандартлари талаб қилинмайдиган мамлакатларда ҳам компанияларп сони ортганлиги туфайли фойдаланилиши.

Юқоридагилар туфайли Молиявий Ҳисоботлар Халқаро Стандартлари бутун жаҳонда янада кенгроқ фойдаланилмоқда ва тан олинмоқда. Ҳатто

баъзи мамлакатлар Молиявий Ҳисоботлар Халқаро Стандартлар (МҲХС) ни ўз стандартларидек ўзгаришларсиз ишлатишмоқда, баъзилари эса мамлакат хусусиятидан келиб чиқиб баъзи ўзгаришларни киритмоқдалар. Кўп миллатли йирик компаниялар эса Молиявий Ҳисоботлар Халқаро Стандартларидан фойдаланиш улар учун қулайлигини таъкидлашмоқда.

Молиявий Ҳисоботлар Халқаро Стандартларининг тан олинishi ва тобора кўпроқ ишлатилишини исботловчи энг муҳим воқеалардан бири бу Қимматбаҳо қоғозлар ва биржалар бўйича Комиссияларнинг Халқаро Ташиқоти томонидан хорижий котировкалар учун Молиявий Ҳисоботлар Халқаро Стандартларнинг асос қилиб олинishидир.

Европа Комиссияси эса Молиявий Ҳисоботлар Халқаро Стандартларига ҳисоботнинг ва умуман бухгалтерия ҳисобининг мувофиқлашиши нуқтаи назаридан Европа Иттифоқида адолатли ва самарали рақобот муҳитини сақлашда муҳим эканлигини эътироф этмоқда. Европа Комиссияси молиявий ҳисобот стандартлари гармонизациясида БҲХСК билан ҳамкорлик қилиш самарали эканлигини расмий равишда эълон қилган.

АҚШнинг Қимматбаҳо қоғозлар ва биржалар бўйича Комиссияси эса қуйидагилар ҳақида 1996 йил 11 апрелда маълум қилди:

- стандартлар бухгалтерия ҳисобининг кенг қамровли базисини тақдим этувчи бухгалтерлик талабларининг асосий қисмини ўз ичига олишлари керак;
- стандартлар юқори сифатли бўлишлари шарт, чунки улар маълумотларнинг таққосланувчанлиги, равшанлиги ҳамда тўлиқ ёритилишини таъминлашлари керак;
- стандартлар интерпретацияси бериб борилиши керак ва уларга сўзсиз амал қилиниши керак.

Шундай қилиб, БҲХСК томонидан ҳозиргача ишлаб чиқилган стандартлардан фойдаланиш халқаро ҳамжамиятга юқори самара бермоқда, деб хулоса қилиш мумкин. Қуйида 2001 йил ҳолатига нашр этилган Молиявий Ҳисоботлар Халқаро Стандартлари рўйхатини келтирамиз:

1- МҲХС Молиявий ҳисоботни тақдим этиш

2- МҲХС Заҳиралар

7- МҲХС Пул маблағлари ҳақидаги ҳисоботлар

8- МҲХС Давр учун Соф фойда, фундаментал хатолар ва Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар

10- МҲХС Ҳисобот санасидан кейинги ҳодисалар

11- МҲХС Қурилиш учун шартномалар

12- МҲХС Фойда солиғи

14- МҲХС Сегмент ҳисоботи

15- МҲХС Баҳолар ўзгариши таъсирини акс эттирувчи ахборот

16- МҲХС Асосий воситалар

17- МҲХС Ижара

18- МҲХС Тушум

19- МҲХС Ходимларга мукофотлар

- 20- МҲХС Давлат субсидиялари ҳисоби ва давлат ёрдами ҳақидаги ахборотни ёритиш**
- 21- МҲХС Валюта курсларидаги ўзгаришлар таъсири**
- 22- МҲХС Компаниялар бирлашуви**
- 23- МҲХС Қарзлар бўйича харажатлар**
- 24- МҲХС Боғлиқ томонлар ҳақидаги ахборотларни ёритиш**
- 26- МҲХС Пенсия таъминоти дастурлари бўйича ҳисоб ва ҳисобот**
- 27- МҲХС Йиғма молиявий ҳисобот ва фарзанд жамиятлар учун инвестициялар ҳисоби**
- 28- МҲХС Уюшган компаниларга инвестициялар ҳисоби**
- 29- МҲХС Гиперинфляция шароитида молиявий ҳисобот**
- 30- МҲХС Банклар ва аналогик молиявий ташкилотлар молиявий ҳисоботидаги ахборотни ёритиш**
- 31- МҲХС Қўшма корхоналардаги иштирок ҳақидаги молиявий ҳисобот**
- 32- МҲХС Молиявий инструментлар: ахборотни тақдим этиш ва ёритиш**
- 33- МҲХС Акцияга фойда**
- 34- МҲХС Оралик молиявий ҳисобот**
- 35- МҲХС Тугатилаётган фаолият**
- 36- МҲХС Активларнинг қадрсизланиши**
- 37- МҲХС Резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар**
- 38- МҲХС Номоддий активлар**
- 39- МҲХС Молиявий инструментлар : Тан олиш ва баҳолаш**
- 40- МҲХС Инвестицион мулк**

2-мавзу: Молиявий Ҳисоботлар Халқаро Стандартларининг асоси

- 1. Молиявий Ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш Концепцияси, унинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси.**
- 2. Молиявий ҳисобот мақсади ва уни тузишнинг асосий қоидалари.**
- 3. Молиявий ҳисобот сифат тавсифлари.**
- 4. Молиявий Ҳисобот элементларини тан олиш ва ўлчаш.**
- 5. Капитал концепцияси**

- 1. Молиявий Ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш Концепцияси, унинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси.**

Молиявий Ҳисоботлар Халқаро Стандартлари Концепцияси ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этишнинг ўзагини ташкил қилувчи қоидаларни белгилаб беради. Ушбу концепциянинг мақсади қуйидагича:

- а) МҲХСКга Молиявий Ҳисоботлар Халқаро Стандартларини ишлаб чиқиш ва мавжудларини қайта ишлашда ёрдам бериш;
- б) ҳисобдаги интерпретацияга ёндашишларнинг альтернатив вариантларини қисқартириш орқали МҲХСКга ҳисоб масалаларининг гармонизациясида бухгалтерлик принциплари ва қоидаларини олға суришда ёрдам бериш;
- в) миллий стандартлаштириш органларига миллий стандартларни ишлаб чиқишда кўмак бериш;
- г) молиявий ҳисоботни тузувчиларга МҲХСларидан фойдаланишга ёрдам бериш;
- д) молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга маълумотларнинг интерпретациясида ёрдам бериш.

Молиявий Ҳисобот Халқаро Стандартларига Концепция молиявий ҳисобот стандарти эмас ва шу туфайли ҳеч бир аниқ муаммо бўйича ахборотни ёритишда стандарт белгилаб бермайди. Бу Концепциядаги қоидалар айрим МҲХСдан устун ҳисобланмайди, агар мос келмаслик ҳоллари бўлса, у стандартдан устун эмас.

Қўлланилиш соҳаси

Концепция қуйидагиларга йўналтирилган:

- *молиявий ҳисобот мақсадлари;*
- *молиявий ҳисоботда келтирилган маълумотларнинг фойдалилигини белгилаб берувчи сифат тавсифлари;*
- *молиявий ҳисоботда акс эттирилувчи элементларнинг таъриф, уларни тан олиш ва ўлчаш;*
- *капитал ва уни сақлаш тушунчалари.*

Молиявий ҳисоботлар шакллари молиявий ҳисоботларни тузиш жараёнининг бир қисми ҳисобланади. Молиявий ҳисоботлар шакллари тўлиқ

пакети одатда бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисобот, молиявий ҳолатдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот, шунингдек тушунтиришлар, изоҳлар ва ҳисоб-китоблар.

2. Молиявий ҳисобот мақсади ва уни тузишнинг асосий қоидалари.

Концепцияда белгиланишича, молиявий ҳисоботнинг мақсади компаниянинг молиявий ҳолати, фаолият натижалари ва молиявий ҳолатдаги ўзгаришлар ҳақидаги ахборотни тақдим этишдир. Бу ахборот кенг фойдаланувчилар доираси иқтисодий қарорлар қабул қилиши учун ишлатилади.

Молиявий ҳисобот компания раҳбарияти фаолияти натижалари ёки уларга ишониб топширилган ресурсларга жавобгарлик юзасидан ҳам маълумотларни баён этади. Фаолиятни ёки раҳбарият жавобгарлик даражасини баҳоламоқчи бўлган фойдаланувчилар ахборотдан иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун фойдаланадилар. Масалан, бундай қарорларга инвестицияни сақлаб қолиш ёки уни компанияга сотиш, раҳбариятни тайинлаш ёки ўзгартириш қабиладир.

Компаниянинг молиявий ҳолати унда мавжуд бўлган иқтисодий ресурслар, унинг молиявий структураси, яъни тузилмаси, ликвидлилиги ва тўлов қобилияти, ҳамда унинг атроф-муҳитга мослаша олиш қобилиятига боғлиқ бўлади.

- * Иқтисодий ресурслар ва компаниянинг бу ресурслардан фойдалана олиши ҳақидаги ахборот компаниянинг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ишлаб топиш қобилияти истикболини белгилашда аҳамиятлидир;
- * Молиявий тузилма ҳақидаги ахборот эса келажакда қарз маблағларга бўлган эҳтиёжларни, компанияда улушга эга бўлаганлар ўртасида келгусида кутилаётган фойда ёки пул оқимларининг тақсимланиши ҳақида истикболни белгилаш учун хизмат қилади;
- * Ликвидлилик ва тўлов қобилияти ҳақидаги ахборот эма компаниянинг ўз мажбуриятларини муддатида уддалайолишини баҳолашда муҳимдир.

Ликвидлилик - давр мобайнидаги молиявий мажбуриятларни чегириб ташлагандан сўнг мавжуд пул маблағлари масаласиги билдиради.

Тўлов қобилияти – молиявий мажбуриятларни нисбатан узоқроқ муддат давомида уларнинг муддати келиши билан уддалай олиши учун пул маблағларининг мавжудлигини англатади.

Молиявий ҳисоботлар бундан ташқари қўшимча материаллар ва изоҳларга ҳам эга бўлиши мумкин. Масалан бундай ахборот сифатида баланснинг айрим моддаларига қўшимча, компаниянинг ноаниқликлари ёки таваккалчиликлари (риск) ҳақидаги ёритишлар келтирилиши мумкин.

МҲХС Концепцияларида дастлаб асосий (**основополагающие допущения**) қоидалар келтирилган:

АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

Ҳисоблаш усули

Молиявий ҳисоботлар улар олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни бажариши учун ҳисоблаш усули бўйича тузилиши керак. Бу усулга биноан, воқеа ва ҳодисалар улар рўёбга чиқарилиши биланоқ тан олинishi (пул тўлангани ёки олинганида эмас) ва молиявий ҳисоботда улар амалга оширилган даврда акс эттирилиши керак. Ҳисоблаш тамойилига биноан тузилган ҳисобот нафақат ўтган воқеағўодислар, балки компаниянинг узиши керак бўлган мажбуриятлари, олиши керак бўлган иқтисодий ресурслари ҳақида маълумотлар беради. Шундай қилиб, фойдаланувчилар иқтисодий қарорлар қабул қилиши учун мққим ахборотнитакдим этиш имконияти пайдо бўлади.

Фаолиятнинг узлуксизлиги

Молиявий ҳисобот одатда компания фаолият кўрсатяпти ва операцион фаолиятини бундан кейин ҳам давом эттиради деган тахмин асосида тузилади. Бунда компаниянинг фаолиятни тўхтатиш, қисқартириш эҳтиёжи ёки хоҳиши йўқ, деб қабул қилинади. Агар аксинча бўлса, молиявий ҳисобот бошқача асосда тузилиши ва тегишли ёритишлар берилиши керак.

3. Молиявий ҳисобот сифат тавсифлари.

Молиявий ҳисобот сифат тавсифлари молиявий ҳисоботда тақдим этилаётган ахборотни фойдали бўлишини таъминлайдиган атрибутлардир. Молиявий ҳисоботнинг тўртта асосий тавсифлари қуйидагилардир:

- 1. Тушунарлилик.**
- 2. Ўринлилик (аҳамиятлилик).**
- 3. Ишончлилик.**
- 4. Такқосланувчанлик.**

Тушунарлилик.

Ахборотнинг асосий сифат хусусияти - бу унинг фойдаланувчи учун тушунарлилигидир. Бунда фойдаланувчилар ҳам маълум бир даражада ишбилармонлик ва иқтисодий, бухгалтерлик билимларига ҳамда хоҳишга эгадирлар, деб фараз қилинади. Албатта, молиявий ҳисоботларда келтирилган маълумотлар уларнинг мураккаблиги ва тушуниш қийинлиги туфайли маълумотлар таркибидан чиқариб юборилмаслиги керак.

Ўринлилик (аҳамиятлилик).

Ахборот фойдаланувчилар қарорлар қабул қилишлари учун ўринли бўлишлари керак. Ахборот, агар у фойдаланувчиларга олдинги, ҳозирги ва келгуси воқеағҳодисаларни баҳолашда ёрдам бериш орқали уларнинг

қарорлар қабул қилишларига таъсир кўрсатсагина ўринли ёки аҳамиятли ҳисобланади.

Ахборотнинг ўринлилигига унинг мазмуни ва муҳимлиги таъсир кўрсатади. Баъзи ҳолларда фақатгина ахборотнинг характериғина унинг ўринлилигини белгилаб беради. Масалан, янги сегмент ҳақидаги хабарнинг ўзи риск ва имкониятларни белиглашга етарлидир. Бошқа ҳолларда ахборотнинг мазмуниғина эмас, балки унинг муўимлиги эътиборга лойикдир.

Ахборотнинг тушириб қолиши ёки нотўғри акс эттирилиши молиявий ҳисобот маълумотлари асосида қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсатсагина ахборот муҳим ҳисобланади. Муҳимлик тушириб қолдиришлар ёки нотўғри баён этишларнинг конкрет ҳолларида объект ва хатонинг ҳажмига боғлиқ бўлади.

Ишончилилик

Ахборот фойдали бўлиши учун у ишончли бўлиши керак. Ахборот сезиларли ёки муҳим хато ва, албатта, алдовлардан ҳоли бўлиши керак. Ахборотнинг ишончилиги шу даражада аҳамиятли -ки, агар ахборот ўринли бўлса ҳам, у шу қадар ишончсиз бўлса, унинг тан олиниши фақатгина дезориентация учун хизмат қилади, яъни қарор қабул қилувчи шу ахборот асосида нотўғри қарор қабул қилиши мумкин.

Ахборотнинг ишончилиги қуйидагилар билан бенгиланади:

Тўғри акс эттириши

Ахборот ишончли бўлиши учун у маълумотларни тўғри акс эттириши керак. Масалан, бухгалтерия балансида ҳисобот санасига активлар, мажбуриятлар ва капитал суммасини белгтлаб берган воқеа-ҳодисалар рўйиғрост акс эттирилиши керак.

Мазмуннинг шаклдан устунлиги.

Тақдим этилаётган ахборотлар фақатгина тўғри акс эттирилишиғина эмас, балки улар иқтисодий реаллик ҳамда воқеа-ҳодисанинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб ҳисобга олиниши ва тақдим этилиши керак. Кўпинча воқеа-ҳодисаларнинг юридик шакли уларнинг мазмуни мос келмайди. Бунда албатта мазмунни устун қўйиш керак.

Холислик (бетарафлик)

Ахборот ишончли бўлиши учун у таҳминларга асосланган бўлмаслиги, яъни холис бўлиши, кимнингдир манфаатини кўзлаб ёки кимнингдир фаразу таҳминларига асосланиб тузилмаслиги керак.

Эҳтиёткорлик (осмотрительность)

Молиявий ҳисоботнитувувчилар шубҳали қарзлар, машина ва ускуналарнинг тахминий хизмат қилиш муддатлари, кафолатли талабларнинг бўлиш эҳтимоли каби турли хил воқеа-ҳодисалар бўйича учраб турадиган ноаниқликлар билан курашишга мажбурдирлар. Бундай

ноаниқликларуларнинг мазмунғмоҳиятини ёритиш ҳамда одатда молиявий ҳисоботни тузишда амал қилинадиган эҳтиёткорлик тамойили орқали очиб берилади. Эҳтиёткорлик бу молиявий ҳисоботларни тузишда актив ва даромадларнинг ошиб кетишига, мажбурият ва харажатларнинг пасайтириб юборилишининг олдини олишни кўзлашдир.

Тўлиқ очиб бериш

Ахборот ишончли бўлиши учун у муўимлик нуқтаи назаридан ва унга қилинган харажаталар юзасидан тўлиқ бўлиши керак. Ахборотнинг тушиб қолиши унинг ёлғон ва дезориентация қилувчи бўлишига олиб келади.

Солиштириш имконининг мавжудлиги ёки таққосланувчанлик

Фойдаланувчилар компания фаолиятини турли даврлар учун солиштириш, унинг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларининг тенденциясини аниқлаш имкониятига эга бўлишлари керак. Бундан ташқари, фойдаланувчилар турли компаниялар молиявий ҳисоботларини уларнинг нисбий молиявий фаолиятини аниқлаш мақсадида солиштириш имконига эга бўлишлари керак. Шундай қилиб, молиявий натижаларни ўлчаш ва акс эттириш услугиёти турли даврлар давомида компания учун ягона, турли компаниялар учун бир хил бўлгани маъқулдир.

Аҳамиятлилик ва ишончлиликни чекловчи тамойиллар

Ўз вақтида топшириш

Ассосиз равишда ахборотни топшириш кечиктирилса, у ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин.

Баъзида эса, аксинча, ахборотни ўз вақтида тақдим қилинишига ҳаракат қилиниб, ахборотнинг ишончлилигига путур етказиш мумкин, чунки бунда воқеағҳодисларни атрофлича ўрганишга улгурмай қолинади. Аҳамиятлилик ва ишончлилик ўртасида баланс эришишгина фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарорлар қабул қилишини юқори даражада қоиқтириши мумкин.

Даромадлар ва харажатлар ўртасидаги баланс

Даромадлар ва харажатлар ўртасидаги баланс – бу сифат эмас, балки принципиал чекловдир. Ахборот топширишдан олинадиган манфаат, унга қилинган сарфғхаражатдан юқори бўлиши керак. Бунда шуни унутмаслик керакки, фойдаланувчилар ҳар доим ҳам харажат қилавермайди, шу билан бирга улар доим ҳам ахборот олишдан манфаат олавермайдилар. Ахборот тайёрлаш учун кетган харажатни ундан келадиган манфаат ёки даромад билан ҳар доим ҳам солиштириб бўлмайди. Шунга қарамай мутахассислар шун унутмасликлари ва инобатга олишлари керак бўлади.

4. Молиявий Ҳисобот элементларини тан олиш ва ўлчаш.

Концептуал асосларнинг 47- моддасидан 81-моддасигача ёки бандигача молиявий ҳисоботлар элементларининг таърифи, мазмуни ва моҳияти ёритилган. Шунга биноан айтиб ўтилганки, воқеа ва ҳодисалар молиявий натижалари уларнинг иқтисодий тавсифларини инобатга олиб кенг категорияларга бирлаштирилган ҳолатда молиявий ҳисоботларда акс эттирилади. Ана шу категориялар элементлар деб аталади.

Бевосита молиявий ҳолатни тавсифловчи элементлар бўлиб активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитал ҳисобланади. Уларга қуйидагича таъриф берилади:

Активлар – бу олдин бўлиб ўтган ҳодисалар натижасида корхона томонидан назорат қилинадиган ҳамда келгусида улардан иқтисодий манфаат кутилаётган ресурслардир.

Мажбуриятлар – корхонанинг олдинги бўлиб ўтган воқеалар туфайли юзага келган ва ҳисоб-китоб қилиниши иқтисодий манфаат келтириш учун ресурсларнинг чиқиб кетишига олиб келадиган қарзларидир.

Хусусий капитал – барча мажбуриятлар чегириб ташлангандан сўнг қоладиган активлардир, яъни соф активлардир.

Активлар ва мажбуриятларнинг таърифи уларнинг асосий тавсифларини бериб, ёритишга қаратилмаган.

Активлар

Концептуал асосларнинг 53-59 бандларида активлар таърифининг моҳияти ёритиб берилган.

Келгуси иқтисодий манфаат – бу пул оқимлари ёки уларнинг эквивалентларига тўғридан тўғри ёки эгри равишда кирадиган потенциалдир. Потенциал унумли бўлиши, яъни асосий фаолият натижаси бўлиши мумкин. У шунингдек пул маблағларининг конкертация қилиниши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Баъзан бу потенциал мавжуд харажатларни камайтириш орқали пул оқимларининг чиқиб кетишини камайтириши орқали рўй бериши мумкин.

Келгуси иқтисодий манфаалар корхонага турли йўللار билан келиши мумкин. Масалан, актив:

- Корхона сотиш учун ишлаб чиқарадиган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришда алоҳида ёки боқа активлар билан биргаликда ишлатилиши мумкин;
- бошқа активларга алмаштирилиши мумкин;
- мажбуриятларни қоплаш учун ишлатилиши мумкин;
- корхона мулкдорлари ўртасида тақсимланиши мумкин.

Кўп активлар *жисмоний шакл*га эгадирлар, лекин бу активларни аниқлашда асосий белги ҳисобланмайди. Асосийси улар хўжалик субъектига

иқтисодий манфаат келтириши кутилаётган бўлиши ҳамда уларнинг корхона назоратида бўлишидир.

Юқоридагилардан ташқари шу ҳам айтиб ўтилганки, дебиторлик қарзлари ва мулк каби активлар эгалик ҳуқуқи билан боғлиқдир. Шунга қарамай активнинг мавжудлиги учун эгалик ҳуқуқи биринчи даражали эмас. Масалан, ижарага олинган актив корхонанинг назоратида бўлади ва ундан иқтисодий манфаат кутилади, лекин уларга эгалик ҳуқуқи мавжуд эмас.

Активлар корхонада олдин бўлиб ўтган воқеағҳодисалар туфайли юзага келади. Одатда корхона уларни сотиб олади ёки ишлаб чиқаради, лекин энди амалга оширилиши кўзда тутилаётган муомала ва ҳодисалар бундан мустаснодир.

Мажбуриятлар

Мажбуриятнинг муҳим тавсифи шундаки, корхонанинг қарзи борлигини маълум қилади. Мажбурият - бу бирор бир ҳаракатни амалга ошириш бўйича масъулият ёки вазифадир (долг). Мажбуриятлар ҳуқуқий жиҳатдан шакллантирилган шартнома натижасида юзага келган бўлиши ёки оддий ҳўжалик воқеасининг натижаси бўлиши ҳам мумкин.

Мажбуриятларни жорий ва келгусидаги тоифаларга бўлиш шартдир. Корхона раҳбариятининг келажакда харид қилишни мўлжаллаган активи учун мажбурият юзага келмайди. Одатда мажбурият актив етказиб берилганда ёки унинг хариди бўйича воз кечилмайдиган шартнома тузилганда юзага келади.

Мажбуриятларни ҳисоб-китоб қилиш корхонанинг келгусида иқтисодий манфаат бериши мумкин бўлган активлардан бошқа корхонанинг талабини қондириш учун воз кечиш орқали амалга оширилади. Мажбуриятларни қоплаш бир неча хил йўллар билан амалга оширилади:

- * Пул маблағларини тўлаш йўли билан;
- * Бошқа активларни бериш орқали;
- * Хизматлар кўрсатиш орқали;
- * Бир мажбуриятни бошқаси билан алмаштириш орқали;
- * Мажбуриятни хусусий капиталга ўтказиш орқали.

Мажбуриятлар олдин бўлиб ўтган воқеағҳодисалар натижасида юзага келади. Масалан, товарларни насияга сотиб олиш кредиторлик қарзини, банкдан кредит олиш эса уни қайтариб бериш мажбуриятини юзага келтиради.

Хусусий капитал

Хусусий капитал соф активлар деб тавсифлангани ҳолда аслида бухгалтерия балансида у таркибий қисмларга бўлинган ҳолда кўрсатилади. Масалан, хусусий капиталга таъсисчилар томонидан киритилган маблағлар, тақсимланмаган фойда, унинг ҳисобидан тузилган заҳира капитали киради.

Заҳира яратиш қонунчилиқ томонидан ёки меъёрий ҳужжатлар билан кўзда тутилиб, зарарлар оқибатидан сақланиш имкониятини таъминлайди.

Балансда кўрсатилган хусусий капиталнинг суммаси активлар ва мажбуриятларнинг баҳоланишига боғлиқ бўлади.

Фаолият натижалари

Фаолият натижаларини билиш мақсадида кўпинча фойда кўрсаткичидан фойдаланилади. Бу кўрсаткич шунингдек инвестицияларга фойда ёки акцияларга фойда каби кўрсаткичларга асос бўлади. Фойдани ўлчаш билан боғлиқ элементлар - даромадлар ва харажатлардир.

Даромадлар - бу иқтисодий манфаатларнинг ҳисобот даври давомида ўсиши бўлиб, бу ўсиш активларнинг келиш ёки ўсиши, мажбуриятларнинг камайиши орқали рўй бериб, бу хусусий капиталнинг ўсишига олиб келади.

Харажатлар - бу иқтисодий манфаатларнинг ҳисобот даври давомида камайиши бўлиб, бу камайишш активларнинг кетиши ёки камайиши, мажбуриятларнинг ортиши орқали рўй бериб, бу хусусий капиталнинг камайишига олиб келади.

Даромадлар одатда тушум ҳамда бошқа даромадларни ўз ичига олади.

Харажатлар ўз навбатида корхонанинг одатий фаолияти натижасида юзага келадиган харажатлар ва зарарларни олади.

Тан олиш ёки эътироф этиш – модданинг бухгалтерия балнси ёки фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот ва бошқаларга элементларнинг бирининг таърифига мос келишини инобатга олган ҳолда киритилишидир.

Модда, агар у элементнинг таърифига мос келса, тан олинади, қачонки:

- а) модда билан боғлиқ ҳар қандай иқтисодий манфаатларни олиш ёки йўқотишнинг эҳтимоли мавжуд бўлса;
- б) модда ишончли равишда ўлчаниши мумкин бўлган қийматга эга бўлса.

5. Капитал концепцияси

Капитал концепцияси концептуал асосларнинг 102-110 бандларида кўриб чиқилган. Уларга кўра жуда кўпчилик корхоналар ўзларининг молиявий ҳисоботларини тузиш мақсадида капитал концепциясини қабул қилдилар. Капиталнинг молиявий концепциясига биноан инвестиция қилинган пул маблағлари ёки инвестиция қилинган харид қобиляти кўринишидаги капитал соф активларга ёки хусусий капиталга синоним деб қабул қилинади. Операцион қобилятни назарда тутган Капиталнинг жисмоний концепциясига кўра капитал - бу корхонанинг ишлаб чиқариш қувватидир.

Корхона томонидан капитал концепциясини танлаш молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар эҳтиёжига асосланиши керак. Агар

фойдаланувчилар асосан номинал инвестиция қилинган капитал ёки унинг харид қобилияти билан қизиқишса, капиталнинг молиявий концепцияси қабул қилиниши керак. Ақсинча, агар фойдаланувчиларни кўпроқ корхонанинг операцион қобилияти қизиқтирса, капиталнинг жисмоний концепциясини қабул қилишлари керак.

Капитал концепцияси капитални сақлашнинг қуйидаги концепциясини белгилаб беради:

Молиявий капитални сақлаш. Бу концепцияга мувофиқ агар активларнинг молиявий (қиймат) суммаси давр охирида давр бошига нисбатан, барча тақсимлашлардан сўнг, кўп бўлса, фойда олинган ҳисобланади.

Жисмоний капитални сақлаш. Бу концепцияга мувофиқ корхонанинг давр охиридаги жисмоний ишлаб чиқариш қуввати (ёки операцион қобилияти) давр бошидагига нисбатан (барча тақсимлашлардан сўнг, албатта) кўп бўлса фойда олинган ҳисобланади.

Юқорида кўриб чиқилган иккита концепциянинг принципиал фарқи актив ва мажбуриятларнинг баҳоси ўзгариши натижаларини акс эттиради.

3-мавзу: Молиявий ҳисоботни тақдим этиш.

1. Барча молиявий ҳисоботлар учун қўлланиладиган умумий тамойиллар.
2. Молиявий ҳисобот таркиби ва тузилиши.
3. Ахборотни сегментлар бўйича ёритиш.
4. Оралиқ молиявий ҳисобот.
5. Ахборотларни ёритиш масалалари.

1. Барча молиявий ҳисоботлар учун қўлланиладиган умумий тамойиллар.

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш, унинг тузилмаси (структура) ва мазмуни молиявий ҳисоботнинг бир нечта Халқаро стандартларида, хусусан, қуйидагиларда кўриб чиқилган:

- * **1-МҲХС** молиявий ҳисоботни тақдим қилишни шундай белгилайдики, унга кўра корхонанинг ҳисоботи унинг олдинги даврлар учун ҳисоботи ҳамда бошқа корхоналар ҳисоботига мос келиши ёки ўринли бўлиши керак.
- * **8-МҲХС (қисман)** давр мобайнидаги соф фойда ёки зарарга киритилган моддаларни акс эттириш масалаларига қаратилган. Бу Стандарт фавқулудда ҳодисаларнинг натижаларини ҳамда одатдаги фаолиятдаги айрим фойда ва зарарлар моддаларини туркумлаш ва ёритишни талаб этади.
- * **7-МҲХС** асосий молиявий ҳисоботлардан бири ҳисобланган пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботнинг тузилмаси ва тақдим этилишини белгилаб беради.

Молиявий ҳисоботнинг бошқа Халқаро Стандартлари молиявий ҳисоботнинг маълум бир компонентларини кўриб чиқади:

- * **24-МҲХС** корхона боғлиқ томонлар билан муомалаларда иштирок этган ҳолларда ахборотни махсус ёритишни талаб қилади.
- * **14-МҲХС** молиявий ҳисоботни сегментлар бўйича топширилишини белгилайди – корхона томонидан ишлаб чиқариладиган турли хилдаги маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар ҳамда у фаолият кўрсатаётган турли географик минтақалар ҳақида маълумотлар тақдим этиши керакки, бунда молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар корхонанинг ўтган даври, унинг даромадлилик даражаси ва riskини баҳолай олиш, корхона ҳақидаги аниқроқ қарорлар қабул қилиш имкониятига эга бўлсинлар.
- * **35-МҲХС** тўхтатаётган фаолият ни тан олиш ва у ҳақида маълумот бериш билан боғлиқдир.
- * **10-МҲХС** молиявий ҳисоботларни топширган санадан сўнг бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни инобатга олиб корхона томонидан ҳисоботга тузатишлар киритиш ҳамда молиявий

ҳисоботни чоп этишга санкция берилган сана ҳақидаги маълумотларни ёритиш талабини белгилаб беради.

- * **8-МҲХС** бухгалтерлик ҳисобқитоблари, ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар ва фундаментал хатоларни ҳисобга олиш тартибини аниқлайди.
- * **21-МҲХС** хорижий валютадаги муомалалар ва хорижий фаолият ҳисоби масалаларида алмаштириш курсларидаги ўзгаришларни молиявий ҳисоботларда акс эттиришда қандай курсдан фойдаланиш кераклиги ҳақидаги принципиалмасалаларни кўриб чиқади.
- * **33-МҲХС** бир акцияга фойда ҳақидаги ахборотни аниқлаш ва тақдим этиш принципларини белгилаб беради.

Баҳолар ўзгаришидан самара ёки гиперинфляцион иқтисодиёт шароитида молиявий ҳисоботни тақдим этиш **15-МҲХС** ва **29-МҲХС**ларнинг бир қисми ҳисобланади.

Юқоридагиларга қўшимча равишда молиявий ҳисоботнинг махсус шакллари ҳақида қуйидагиларда сўз юритилади:

- * **26-МҲХС** нафақа режалари бўйича ҳисоб ва ҳисобот юзасидан;
- * **30-МҲХС** банклар ва шунга ўхшаш молиявий ташкилотлар молиявий ҳисоботларга нисбатан;
- * **34-МҲХС** оралиқ молиявий ҳисоботнинг минимал таркиби ва оралиқ давр учун тўлиқ ва қисқартирилган молиявий ҳисоботни тан олиш ва ўлчаш принципларини белгилаб беради.

Юқорида санаб ўтилган МҲХСларидан биринчиси молиявий ҳисоботни тақдим этиш учун умумий қоидалар, унинг тузилмаси бўйича тавсиялар ва унинг мазмунига қўйиладиган талабларни ўрнатади.

1-МҲХС нинг мақсади юқоридаги вазифалар билан белгиланиб, уларнинг бажарилиши молиявий ҳисоботнинг таққосланувчанлигини таъминлайди. Ушбу стандарт барча типдаги корхоналар, банклар ва суғурта компаниялари учун мўлжаллангандир.

Ишончли ахборот тақдим этиш ва мувофиқлик

Ишончли ахборот тақдим этиш қуйидагиларни талаб этади:

- * Стандартнинг 20-параграфига биноан ҳисоб сиёсатини танлаш ва қўллаш;
- * Ахборотни, ҳисоб сиёсатини қўшган ҳолда шундай тақдим этиш керакки, у ўринли, ишончли, солиштириш имкони мавжуд ва тушунарли бўлсин;
- * Корхона молиявий ҳолатига таъсир этиши мумкин бўлган алоҳида ҳўжалик воқеа ва ҳодисларини 1-МҲХСига тўла тушмаган ҳолларда қўшимча ёритиш.

Ҳисоб юритиш сиёсати

Фойдаланилаётган МҲХСларининг барча талабларига мос келадиган молиявий ҳисоботни тузиш учун корхона раҳбарияти ҳисоб сиёсатини танлаши ва қўллаши зарурдир. Агар алоҳида талаблар бўлмаса, шундай ҳисоб юритиш сиёсатини танлаши керакки, унга биноан:

- * *Ахборот фойдаланувчилар қарорлар қабул қилиши учун аҳамиятли бўлиши керак;*
- * *Ишончли бўлиши керак, яъни:*
 - корхона молиявий ҳолати ва молиявий натижаларини ишончли акс эттириши;
 - воқеа ва ҳодисаларнинг фақат ҳуқуқий шаклинигина эмас, балки уларнинг иқтисодий мазмунини ёритиши;
 - нейтрал ёки холис, яъни олдиндан тахмин қилишлардан озод бўлиши;
 - эҳтиёткорлик асосида тузилган;
 - ҳар жиҳатдан тўлиқ бўлиши керак.

1-МҲХСига биноан ҳисоб юритиш сиёсати - бу молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишнинг конкрет принциплари, асослари, қоидалари ва амалиётидир.

Узлуксизлик.

Молиявий ҳисоботни тузишда компания раҳбарияти у ўз фаолиятини давом эттира олиш қобилиятига баҳо бериши керак. Молиявий ҳисобот, агар раҳбарият компанияни ликвидация қилиш ёки тижорат фаолиятини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилмаган бўлса, компания ўз фаолиятини давом эттиради, деган тахмин билан тузилиши керак. Бу **узлуксизлик** деган қоида билан белгиланади.

Ҳисоблаш усули.

Компаниялар молиявий ҳисоботни фақат пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботдан ташқарисини **ҳисоблаш усули**га биноан тузиши белгиланган.

Ҳисоботни кетма-кетликда ёритиш.

Компаниялар молиявий ҳисоботни тузишда бир даврдан иккинчи даврга ўтиш ҳолларида кетма-кетликни сақлаб қолиши керак. Бунини таъминлаш учун эса компания айрим ҳоллардан ташқари барча ҳолларда бир хил ҳисоб юритиш сиёсатидан фойдаланиши талаб қилинади.

Муҳимлик ва умумлаштириш.

Ҳар бир модда агар у муҳим бўлса, молиявий ҳисоботда улар алоҳида кўрсатилиши зарур. Муҳим бўлмаган моддалар эса шунга ўхшаш моддалар билан бирлаштирилиши мумкин.

Ахборот муҳим бўлади, қачонки унинг мавжуд эмаслиги қарор қабул қилишга таъсир кўрсатсагина. Модданинг суммаси катта ёки кичиклиги баъзан унинг муҳимлигини белгиламайди. Масалан, агар модданинг суммаси катта бўлса ҳам, унга характери ва функциясига кўра ўхшаш моддалар бирлиштирилиши мумкин.

Ўзаро ҳисоб-китоблар.

Активлар ва мажбуриятлар ўзаро ҳисоб-китоб қилинмаслиги керак. Баъзи ҳоллардагина агар ўхшаш воқеа-ҳодисалар суммалари унча катта бўлмасагина бирлаштириб юборилиши мумкин.

Таққосланувчан ахборот.

Молиявий ҳисоботдаги моддалар ўтган даврлар билан солиштириш имкони бўладиган ҳолда акс эттирилиши лозим. Агар ўтган даврдаги моддада бу ҳисобот даври учун услубиёт ёки бошқа бир сабабларга кўра ўзгариш бўлса, уларнинг таққосланувчанлигини таъминлаш талаб қилинади.

2. Молиявий ҳисобот таркиби ва тузилиши.

1-МҲХС га биноан молиявий ҳисобот корхонада амалга оширилган муомалалар ва молиявий ҳолатнинг тизимлаштирилган тақдимоти дир. Молиявий ҳисоботнинг мақсади кенг доирадаги фойдаланувчилар иқтисодий қарорлар қабул қилишлари учун аҳамиятли бўлган молиявий ҳолат, молиявий натижалар ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ахборотни тақдим этишдир. Бу мақсадга эришиш учун молиявий ҳисобот қуйидаги кўрсаткичлар ҳақида маълумотлар беради:

- 1- Активлар;
- 2- Мажбуриятлар;
- 3- Хусусий капитал;
- 4- Даромадлар ва харажатлар, шунингдек фойда ва зарарлар;
- 5- Пул маблағлари ҳаракати.

Бу маълумотлар бошқа тушунтириш ва изоҳлар билан бирга фойдаланувчиларга ёрдам беради.

Молиявий ҳисоботга жавобгарлик

Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишга директорлар кенгаши ёки корхонанинг бошқа раҳбар ташкилоти жавоб беради.

Молиявий ҳисоботнинг компонентлари

Молиявий ҳисоботнинг тўла компоненти қуйидаги компонентларни ўз ичига олади:

а) Бухгалтерия баланси;

б) Фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисобот;

в) Қуйидагилардан бирини кўрсатувчи ҳисобот:

- * хусусий капиталдаги барча ўзгаришлар;
- * мулкдорлар билан амалга оширилган капитал характердаги муомала ва тақсимотлардан фарқ қилувчи хусусий капиталдаги ўзгаришлар.

г) пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

д) ҳисоб юритиш сиёсати ва тушунтиришлар ҳамда изоҳлар.

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ

МҲХС компаниялардан активларни жорий ва узоқ муддатлиларга бўлишни талаб қилмайди. Шунга қарамай компаниялар муомалаларнинг

характерига қараб активлар ва мажбуриятларни жорий ва узоқ муддатлиларга бўйиб кўрсатишлари мақсадга мувофиқдир.

Айланма активлар

Активларни туркумлашда қуйидаги қоидаларга амалқилиш тавсия қилинади.

Активлар айланма деб ҳисобланади, агар:

- а) компания нормал операцион фаолиятида ишлатиш ёки сотиш мўлжалланаётган бўлса;
- б) агар актив савдо мақсадларида ёки ўн икки ой ичида сотиш учун харид қилинган бўлса;
- в) агар у пул маблағлари ёки унинг эквивалентлари кўринишида мавжуд бўлса.

Бошқа барча активлар узоқ муддатли деб туркумланади.

Қисқа муддатли мажбуриятлар

Мажбуриятлар қисқа муддатли деб тавсифланади, агар;

- а) компания нормал операцион фаолияти давомида тўлашни мўлжалланаётган бўлса;
 - б) агар ҳисобот санасидан ўн икки ой ичида бажарилиш кутилаётган бўлса.
- Бошқа барчамажбуриятлар узоқ муддатли деб туркумланади.

Бухгалтерия балансида акс эттирилиши лозим бўлган ахборотлар:

- а) асосий воситалар;
- в) номоддий активлар;
- с) молиявий активлар;
- д) улуш усулида кўрсатилган инвестициялар;
- е) заҳиралар;
- ф) савдо ва бошқа дебиторлик қарзлари;
- г) пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари;
- ҳ) мол етказиб берувчилар ва бошқалардан кредиторлик қарзлари;
- и) солиқ бўйича мажбуриятлар ва активлар;
- й) резервлар;
- к) узоқ муддатли мажбуриятлар ва улар бўйича фоизлар;
- л) озчилик улуши;
- м) чиқарилган капитал ва фондлар.

Бухгалтерия балансида изоҳларда қуйидагилар берилиши керак:

- * Чиқаришга рухсат этилган акциялар миқдори;
- * Чиқарилган ҳамда тўланган, чиқарилган ва тўланмаган акциялар миқдори;
- * Акциянинг номинал қиймати ёки номинал қийматнинг мавжуд эмаслиги;
- * Йил бошига ва йил охирига муомаладаги акциялар миқдори;
- * Дивидендлар ва капитални қоплаш бўйича ҳуқуқлар, имтиёзлар ва чекловлар;

- * Компаниянинг ўзига ёки фарзанд корхонасига тегишли акциялар;
- * Опцион ёки сотиш шартномалари бўйича захирада қолган акциялар миқдори ҳақида маълумот.

ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ҲАҚИДАГИ ҲИСОБОТ

Фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисоботда минимум даражада қуйидаги ахборотлар берилиши керак:

- а) тушум;
- в) операцион фаолият натижалари;
- с) молиялаштириш бўйича харажатлар;
- д) иштирок этиш усули билан уюшган компаниялар ва қўшма корхоналар фойда ва зарардаги улушлари;
- е) солиқ бўйича харажатлар;
- ф) одатдаги фаолиятдан фойда ва зарарлар;
- г) фавқулодда ҳолатлар натижалари;
- h) озчилик улуши;
- и) ҳисобот давридаги соф фойда ёки зарар.

КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ҲАҚИДАГИ ҲИСОБОТ

МҲХС капиталдаги ўзгаришлар ҳақидаги ҳисоботни асосий молиявий ҳисоботлардан бири деб тан олади. Компания қуйидагиларни акс эттирувчи ҳисоботни тақдим этиши керак:

- * Ҳисобот давридаги соф фойда ёки зарар;
- * Капиталда тан олинган барча даромадлар ва харажатлар, фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳар бир модда ҳақидаги маълумот;
- * 8-МҲХСга биноан фундаментал хатоларни тузатишлар ва ҳисоб юритиш сиёсатидаги ўзгаришлар натижаларининг кумулятив самараси.

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ

7-МҲХС га биноан барча компаниялар молиявий ҳисоботнинг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этишлари шарт.

7-МҲХСда қуйидаги атамалардан фойдаланилади:

- * **Пул маблағлари** – компаниянинг кассаси ва жорий счётидаги пул маблағлари;
- * **Пул маблағлари эквивалентлари** - қисқа муддатли, юқори ликвидли, аввалдан маълум пул маблағига айланган, қиймат нуқтаи назаридан rischi кам бўлган инвестициялар;
- * **Пул маблағлари оқимлари** – пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларининг келиши ва тўланиши;

- * **Операцион фаолият** – компаниянинг тушум келтирадиган асосий фаолияти;
- * **Инвестицион фаолият** – узоқ муддатли активларни ва бошқа инвестицияларни харид қилиш ва сотиш;
- * **Молиявий фаолият** – компания капитал ёки қарз маблағлари таркиби ва ҳажмидаги ўзгаришга олиб келадиган фаолият.

Пул маблағлари тўғрисидаги ҳисобот икки хил усул билан тақдим этилиши мумкин:

- 1) тўғри усул – асосий ялпи тушумлар ва киримларнинг турлари ҳақидаги маълумот;
- 2) эгри усул – инвестицион ва молиявий фаолиятга алоқадор ҳар қандай кирим ва чиқимларнинг ўтган ва келгуси давр учун натижалари ҳисобига соф фойдани тузатиш орқали маълумот тайёрлаш.

Молиявий ҳисоботга тушунтиришлар ва изоҳлар

Молиявий ҳисоботга тушунтиришлар ва изоҳлар қуйидагиларни қамраб олиши керак:

- * Компания молиявий ҳисоботи учун асослар ва танланган ҳисоб юритиш сиёсати ҳақидаги ахборотни тақдим этиши;
- * Молиявий ҳисоботда акс эттирилмаган, лекин МХХСга биноан талаб қилинадиган ахборотни ёритиши керак;
- * Молиявий ҳисобот таркибида акс эттирилмаган, лекин объектив ҳисобот топшириш учун зарур бўлган ахборотни тақдим этиши керак.

3. Ахборотни сегментлар бўйича ёритиш.

Кўп компаниялар турли рентабелликка, ривожланиш имконияти ва рискка эга бўлган турли географик зоналарда фаолият олиб борадилар ёки турли хилдаги товар ва хизматлар ишлаб чиқарадилар. Товар ва хизматларнинг турли хиллари ёки турли географик зонадаги корхоналар ҳақидаги ахборот сегментар ахборот деб юритилиб, у кўпчилик ҳолларда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

14-МХХС чоп этиладиган ёки эълон қилинадиган молиявий ҳисоботнинг тўлиқ комплектида сегментлар бўйича ахборот ёритилишини кўриб чиқади.

Ушбу стандарт сегментларни қуйидагича таърифлайди:

- * **Хўжалик сегменти** – компаниянинг алоҳида товарлар ёки товарлар гуруҳини ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган, компаниянинг бошқа сегментларидан фарқ қилувчи риск ва манфаатлар олиши мумкин бўлган таркибий қисмидир.

- * **Географик сегмент** – бу компаниянинг бошқа иқтисодий муҳитда фаолият кўрсатаётган таркибий қисмларидан бири бўлиб, у конкрет иқтисодий муҳитда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш билан шуғулланиб, бошқалардан фарқли равишда риск ва манфаатларга эгадир.
- * **Ҳисобот сегменти** – бу ҳўжалик ёки географик сегмент бўлиб, 14-МҲХСга биноан улар учун алоҳида сегментар ахборот талаб қилинади.

14-МҲХС да яна қуйидаги атамалар ишлатилади:

- Сегментлар даромади;
- Сегментлар харажати;
- Сегментлар натижалари;
- Сегментлар активлари;
- Сегментлар мажбуриятлари;
- Сегментнинг ҳисоб юритиш сиёсати.

Сегментар ҳисобот топширишда ташқи мижозлардан олинган даромадлар ҳамда сегментнинг бошқа сегментлар билан алоқалардан олинган даромадлари бир-биридан ажратиб акс эттирилиши керак.

Ҳисоботлар сегментлар бўйича топширилганда, уларнинг бирламчи ёки иккиламчи эканлигига эътибор бериш талаб қилинади. Агар бирламчи сегмент ҳўжалик сегменти бўлса, унинг таркибида компания тушумининг 10 фоизидан кам бўлмаган даромадга эга сегментларнинг географик районлар бўйича ҳам ташқи мижозлардан даромадлари, активлари жами харажатлари ҳақидаги маълумотлар берилиши керак.

Агар сегментар ҳисобот топшириш учун бирламчи формат географик сегмент бўлса, компаниянинг жами даромадларининг 10 %идан кам бўлмаган даромадга эга бўлган ҳўжалик сегментлари бўйича ахборот тақдим этилиши керак.

4. Оралиқ молиявий ҳисобот.

Ишончли ва ўз вақтида топширилган оралиқ ҳисобот инвесторлар, кредиторлар ва бошқа қизиқувчи шахслар учун компаниянинг фойда ёки пул маблағлари ишлаб топиш қобилиятини, унинг молиявий ҳолати ва ликвидлилигини баҳолашда ўта муҳим ўринни эгаллайди.

34-МҲХС и қандай компаниялар, қандай оралиқда ва миқдорда оралиқ ҳисобот топшириши кераклигини ўрнатмайди. Бироқ ҳукумат, қимматбаҳо қоғозларнинг айланишини тартибга солувчи органлар, бухгалтерлик ташкилотлари компаниялар тез-тез оралиқ ҳисобот топшириб туришларини талаб қилади.

Унда қуйидаги атамалар ишлатилган:

Оралиқ давр – бу молиявий йилдан кичикроқ бўлган ҳисобот давридир.

Оралиқ молиявий ҳисобот – ёки тўлиқ ҳисоботни, ёки зичлаштирилган молиявий ҳисоботлардан иборат молиявий ҳисоботдир.

Шуни айтиш керакки, оралиқ молиявий ҳисобот юқорида айтиб ўтилган барча ҳисобот шакллари, яъни бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисобот ва бошқаларни қамраб олади

5. Ахборотларни ёритиш масалалари.

30-МХХС банклар ва шу каби бошқа молиявий ташкилотларга нисбатан ишлаб чиқилиб, уларнинг молиявий ҳисоботларига нисбатан қўлланилади.

Банклар уларнинг молиявий ҳисоботларида моддаларни тан олиш ва баҳолашда турли усуллардан фойдаланишади. Молиявий ҳисоботлар уларни тузишда ишлатилган усулларни тушуна оладиган ҳолатда топширилиши керак. Шу муносабат билан ҳисоб юритиш сиёсатини ёритиш талаб қилинади:

- * Асосий даромадлар турларини тан олиш;
- * Инвестиция ва бошқа савдо қимматбаҳо қоғозларини қиймат жиҳатидан баҳоланиши;
- * Балансда активлар ва мажбуриятларни тан олишга олиб келадиган воқеа-ҳодисаларнинг фарқларини;
- * Умидсиз ссуда ва аванслардан кўрилган зарарлар ва уларни ҳисобдан чиқариш усулини;
- * Умумий банк rischi учун ҳисоблашлар усули ва уларни ҳисобга олиш тартибини.

Банклар ўз ҳисоботларида фойда ва зарарларни уларнинг турлари бўйича ёритиб беришлари шарт. Масалан, фоизлар, дивидендлар, комисион ёки гонорар тўловлари кўринишидаги даромадлар кабиларни бир биридан ажратиб кўрсатишлари керак.

Банклар балансида активлар жумласида пул маблағлари, қимматбаҳо қоғозлар, ссудалар, депозитлар, қарз маблағлари каби моддалар акс эттирилади. Банклар активлар ва пасивларни уларнинг тўлов муддатига қараб гуруҳлаб, таҳлил қилган ҳолда акс эттириши керак.

Қарзлар ва ссудалар бўйича зарарлар юзасидан ҳисоб сиёсатини, резервларни ва зарарларни тан олишни баён этиши лозим.

МХХСларида банклар ва бошқа шу каби молиявий ташкилотлар фаолияти юзасидан батафсил кўрсатмалар берилган.

4-мавзу: Активлар ҳисоби.

1. Заҳиралар ҳисоби.
2. Моддий активлар ҳисоби.
3. Инвестицион мулк.
4. Номоддий активлар
5. Активларнинг қадрсизланиши

1. Заҳиралар ҳисоби.

Моддий активлар ҳисоби қуйидаги МҲХСларида кўриб чиқилган:

2- МҲХС заҳираларни тарихий қийматда ҳисобга олишга бухгалтерлик ёндашишини белгилайди.

16-МҲХС асосий воситалар ҳисобини аниқлайди.

40-МҲХС инвестицион мулк ҳисобига рухсат этилган альтернатив ёндашишларни ёритади.

38-МҲХС бошқа МҲХСларида махсус кўриб чиқилмаган номоддий активлар учун ҳисоб ва ёритишлар қоидаларини кўриб чиқади.

36-МҲХС активларнинг ҳар қандай қадрсизланиши ҳолатларида қадрсизланиш ёки нобуд бўлиши натижасида зарарларни тан олишни талаб қилади.

2-МҲХСига биноан заҳиралар ҳисобида актив сифатида тан олиниши лозим бўлган харажатлар миқдори марказий масалалардан бири ҳисобланади. 2-МҲХСга барча харажатларни заҳиралар қийматида киритиш ҳамда соф сотиш қийматида тушириш юзасидан амалий кўрсатмалар беради. Стандарт шунингдек заҳиралар таннархини аниқлаш учун ишлатиладиган таннархни ҳисоблаш усулларини ҳам ёритиб ўтади.

Стандартга кўра:

Заҳиралар - бу шундай активларки:

- * Улар одатий фаолият давомида сотиш учун мўлжалланган;
- * Ишлаб чиқариш жараёни давомида шундай сотиш учун;
- * Ишлаб чиқариш жараёни ёки хизмат кўрсатиш давомида фойдаланишга мўлжалланган.

Кутилаётган сотишнинг соф қиймати – активни етказиб бериш бўйича ёки уни сотиш бўйича харажатларни чегириб юборгандан сўнг қоладиган сотиш баҳосидир.

Заҳираларни баҳолаш

Заҳиралар қуйидагиларнинг энг ками бўйича баҳоланиши керак:

Таннарх

Соф сотиш қиймати.

Заҳираларнинг таннархи уларни харид қилиш, қайта ишлаш ва уларни жорий ҳолатига келтириш учун қилинган бошқа харажатларни ўз ичига олади.

Стандартда таннархнинг қуйидаги атамаларидан фойдаланилган:

Харид қилиш харажатлари

Қайта ишлаш харажатлари

Ҳисобга олишнинг асосий тартиби

Заҳиралар таннархи икки усулнинг бирида ҳисобга олиниши керак: биринчи кирим биринчи чиқим (ФИФО) ёки ўртача тортилган қиймат усули.

Ҳисобга олишнинг альтернатив тартиби

Молиявий ҳисоботда заҳитралар ҳисобига оид қуйидагилар ёритилиши керак:

- * Заҳираларнинг таннархини аниқлаш ва уларни ҳисобга олиш учун қабул қилинган ҳисоб юритиш сиёсати;
- * Заҳираларнинг туркумлари бўйича ва умумий баланс қиймати бўйича;
- * Соф сотиш қийматида акс эттирилган заҳираларнинг баланс қиймати;
- * Ҳисобдан чиқаришлар қайтарилганда тан олинадиган даромад миқдори ҳақида;
- * Ҳисабдан сиқаришга олиб келган воқеа-ҳодисалар;
- * Мажбуриятларни таъминлаш учун қўйилган заҳираларнинг баланс қиймати.

2. Моддий активлар ҳисоби.

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР

Асосий воситалар ҳисобида асосий масалалардан бўлиб активларни тан олиш жараёни, уларнинг баланс қийматини ва амортизация ажратмаларини аниқлаш ҳисобланади.

16-МХХС асосий воситалар объекти актив деб унинг таърифи ва хусусиятларига мос келгандагина тан олинишини таъкидлайди ва қуйидаги атамалардан фойдаланади:

Асосий воситалар – бу моддий активлар бўлиб, улар:

а) товар ёки хизматлар ишлаб чиқариш ва етказиб бериш учун ишлатилади, бошқа компанияларга ижарага берилиши мумкин, маъмурий мақсадларда фойдаланилиши мумкин;

б) бир йилдан ортиқ давр давомида ишлатиш кўздатутилади.

Амортизация – активни унинг фойдали хизмат муддати давомида мунтазам равишда амортизация қилинадиган қийматининг камайтирилишидир.

Амортизация қилинадиган қиймат – активни харид қилиш учун қилинган ҳақиқий харажатлар ёки молиявий ҳисоботда ҳақиқий харажатлар ўрнига акс эттирилган бошқа қийматдан қолдиқ (тугатиш) қийматини чегириб ташлаганлан сўнг қолган қийматдир.

Фойдали хизмат муддати –

- а) компания томонидан амортизация қилинадиган активдан фойдаланиш кутилаётган давр;
- б) компания активдан фойдаланиб ишлаб чиқаришни кўзлаётган маҳсулотлар миқдоридир.

Ҳақиқий харажатлар – активни харид қилиш учун у харид қилинаётганда ёки курилаётганда тўланган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларидир.

Қолдиқ ёки тугатиш қиймати – активнинг хизмат қилиш муддати тугагандан сўнг уни чиқариш бўйича харажатларни чегириб юборгандан кейин қолаиши кутилаётган соф қийматдир.

Ҳақиқий қиймат – бирбирига боҳлиқ бўлмаган томонлар ўртасидаги келишув ёки битимларга кўра активни харид қилиш ёки мажбуриятни узиш учун етарли бўлган пул маблағлари суммасидир.

Қадрсизланишдан зарар – бу активнинг баланс қийматининг унинг қоплаш қийматидан юқори бўлишидир.

Баланс қиймати – бу жамғарилган амортизация ва қадрсизланишдан зарарни чегирган ҳолда бухгалтерия балансида активни тан олиш суммасидир.

Асосий воситаларни тан олиш

Асосий воситалар актив сифатида қуйидаги шартлар бажарилса тан олинади:

- а) компания актив билан боғлиқ келгуси иқтисодий манфаатларни олишининг юқори эҳтимоллик даражаси билан таъкидлаш мумкин бўлса;
- б) компания учун активни харид қилиш харажатларини юқори ишонч билан баҳолаш мумкин бўлса.

Асосий воситаларни дастлабки баҳолаш

Актив сифатида тан олиниши мумкин бўлган асосий воситалар объекти дастлаб харид қилиш учун қилинган ҳақиқий харажатлар билан ўлчаниши лозим. Ҳақиқий харажатлар харид нархи, импорт бож тўлови ва харид бўйича қопланмайдиган солиқлар, активни ишчи ҳолатга келтириш учун қилинган барча тўғри харажатлар; ҳар қандай савдо чегирмалари харид нархидан чегириб юборилади.

Ҳисобнинг асосий тартиби

Дастлабки баҳолашдан сўнг актив дастлабки қийматдан жамғарилган амортизация ва қадрсизланишдан зарарларни чегириб юборган ҳолда ҳисобга олиниши керак.

Ҳисобнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган альтернатив тартиби

Дастлабки баҳолашдан сўнг актив қайта баҳолаш санасига тўғри келадиган ҳақиқий қийматга тенг бўлган қайта баҳолаш қийматида ҳисобга олиниши керак. Бунда, албатта, жамғарилган амортизация ва қадрсизланишдан зарар ҳам ҳисобга олинади.

Қайта баҳолаш

Ер ва биноларнинг ҳақиқий қиймати одатда бу уларнинг бозор қийматидир. Бу қиймат одатда профессионал баҳоловчилар томонидан аниқланади.

Агар машина ва ускуналар бозор қийматини ўрнатиш мушкул бўлса, улар эскиришни ҳисобга олган қайта тиклаш қийматида ҳисобга олинади.

Қайта баҳолаш миқдори асосий воситалар ҳақиқий қиймати ўзгариш даражасига боғлиқ бўлади.

Асосий воситалар амортизацияси

Асосий воситалар объектининг амортизация қилиналдиган қиймати мунтазам равишда активнинг фойдали хизмат муддати давомида ҳисобдан чиқарилиб бориши керак.

Мунтазам ҳисобдан чиқариб бориш учун турли усуллардан фойдаланиш мумкин. Амортизация ҳисоблашнинг тўғри чизиқли, камайиб боровчи қолдиқ ва миқдорлар йиғиндиси усуллари мавжуд.

Стандартда фойдали хизмат муддати, амортизация қилиш усуллари қайта кўриб чиқиш мумкинлиги ҳамда ахборотни ёритиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилади.

3. Инвестицион мулк.

40-МҲХС инвестицион мулкни тан олиш, ўлчаш ва бу ҳақдаги ахборотни ёритишга нисбатан қўлланилади.

40-МҲХСи қуйидаги атамаларнинг таърифини беради:

Кўчмас мулкка инвестициялар – бу кўчмас мулк (ер, бино, бинонинг бир қисми, ёки у ҳам, бу ҳам ва бошқалар) бўлиб, у компания ихтиёрида ижара тўловлари олиш, капиталнинг қиймати ўсиши ҳисобига даромад олиш ва бошқалар учун ушлаб турилган бўлса, лекин:

- товарлар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш, маъмурий мақсадларда ишлатиш учун эмас;
- одатдаги фаолият натижасида сотиш учун мўлжалланмаган бўлса.

Мулкдорга тегишли бўлган мулк – бу мулкдор ихтиёрида (ёки ижарачи ихтиёрида молиявий ижара шартномаси бўйича) ишлаб чиқариш ёки товарлар етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш ёки маъмурий мақсадларда мавжуд бўлган мулк.

Ҳақиқий қиймат – бир-бирига боғлиқ бўлмаган, лекин хабардор ва шундай битимларни тузишга ихтиёри бор томонларнинг битимларни амалга ошириш юзасидан активларни харид қилиш ёки мажбуриятларни тўлаши учун етарли бўлган пул маблағлари суммасидир.

Харид қилиш учун ҳақиқий харажатлар – активни харид қилиш ёки уни ҳқуриш пайтида унинг қийматини тўлаш учун берилган пул маблағлари ёки

уларнинг эквивалентлари суммасидир, ёки қоплашнинг бошқа шу каби ҳақиқий қийматидир.

Баланс қиймати – бу активни бухгалтерия балансида тан олиш қийматидир.

Тан олиш

Инвестицион мулк ҳам бошқа активлар каби икки асосий мезонни қониқтирсагина тан олиниши стандартда кўрсатиб ўтилган. Бу мезонлар иқтисодий манфаатлар олиш эҳтимоли ва ишончли баҳолаш имконияти мавжудлигидир.

Дастлабки баҳолаш

Кўчмас мулкка инвестициялар дастлаб уларни харид қилиш учун сарфланган барча ҳақиқий харажатлар суммаси билан ўлчаниши керак. Дастлабки ўлчашга битим бўйича барча харажатлар киритилади.

Кейинги харажатлар

Ҳисоботда акс эттирилган кўчмас мулкка инвестицияларга қилинган кейинги харажатлар, агар улардан дастлаб келгусида олиниши кўзда тутилган иқтисодий манфаатларга нисбатан кўпроқ манфаат олиш кутилаётган бўлса, кўчмас мулкка қўйилган инвестициялар қийматига қўшилади. Бошқа барча харажатлар шу даврга тегишли харажатлар, деб тан олинади.

Ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олишнинг модели

Агар компания кўчмас мулкка қўйилган инвестицияларни ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олиш моделини танлаган бўлса, у ностандарт ҳоллардан ташқари барча ҳолларда ҳисоб учун ҳаққоний қийматни қабул қилиши керак. Ҳаққоний қиймат сифатида одатда инвестицион мулкнинг бозор қиймати олинади. Таърифга кўра, ҳаққоний қиймат F бу ҳисобот тузиш санасига эҳтимоллиги энг юқори бўлган бозор нархидир. Бу шундай энг қулай нархки, унга ҳам харидор, ҳам сотувчи кутаётган ва ишонаётган бўлади.

Ҳаққоний қиймат ўрнатилаётганда кўчмас мулкка қўйилган инвестицияларни сотиш билан боғлиқ ва барча бошқа чиқиб кетишлар билан алоқадор харажатлар чегириб ташланмайди.

Таннарх бўйича ҳисобга олиш модели

Компания инвестицион мулкни дастлаб ҳисобот учун тан олгандан сўнг, таннарх бўйича ҳисобга олиш моделини танласа, объектларни уларни харид қилиш учун қилинган ҳақиқий харажатлар суммасидан жамғарилган амортизация ёки қадрсизланишдан зарарларни чегириб ташлагандан сўнг қоладиган суммада ҳисобга олиши кўзда тутилган.

Инвестицион мулкнинг ҳисобдан чиқарилиши

Кўчмас мулкка қўйилган инвестицияларни ҳисобот мақсадларида тан олиш тўхтатилади, қачонки улар чиқиб кетаётган бўлса, балансдан ҳисобдан чиқарилаётган бўлса ёки фойдаланишдан мутлақо чиқариб юборилаётган

бўлсагина ҳамда унинг чиқиб кетганидан сўнг келгусида иқтисодий манфаат кўзда тутилмаётган бўлса.

Инвестицион мулкнинг чиқишида соф даромадлар билан соф харажатларнинг фарқи сифатида фойда ва зарарлар ҳисоботида фойда ёки зарар акс эттирилиш керак.

4. Номоддий активлар

38-МҲХСда номоддий активлар ҳисобига оид қўлланмалар берилган.

38-МҲХСда қуйидаги атамалардан фойдаланилади:

Номоддий активлар – идентификация қилиниш мумкин бўлган номонетар актив бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш, бошқаларга ижарага бериш, маъмурий мақсадларда ишлатиш учун жисмоний шаклга эга эмас.

Актив – бу шундай ресурски:

- Олдинги воқеа-ҳодисалар туфайли компания назоратида бўлган;

- Ундан компания келгусида иқтисодий манфаатлар кутиётган.

Пул моддалари– бу пул ва бошқа мавжуд активлар бўлиб, уларни белгиланган ёки аниқланадиган суммада олиниши кўзда титулаётган бўлади.

Тадқиқотлар – бу илмий ва техник билим ва ғояларни олига йўналтирилган оригинал ва режалаштирилган тадқиқилардир.

Қўлланма ёки ишланмалар – бу тадқиқотлар натижаларини сифати яхшиланган янги материаллар, мосламалар, маҳсулотлар, жараёнлар, тизимлар ёки хизматларни уларни тижорат мақсадида ишлаб чиққунга қадар жорий этилишидир.

Амортизация – бу номоддий активнинг амортизация қилинадиган қийматининг унинг хизмат қилиш муддати давомида мунтазам тақсимланиб борилишидир.

Амортизация қилинадиган қиймат – тугатиш қиймати чегириб ташланган сўнг қоладиган активни харид қилиш учун қилинган ҳақиқий харажатлар ёки молиявий ҳисоботда ҳақиқий харажатлар ўрнига акс эттирилган бошқа миқдордаги суммадир.

Фойдали хизмат муддати, Таннарх, Қолдиқ қиймат, Активнинг ҳаққоний қиймати, Қадрсизланишдан зарар , Баланс қиймати кабиларнинг таърифи асосий воситалардаги каби берилган (олдинги саволларга қаранг).

Фаол бозор – қуйидаги шартлар амалда бўлган бозор:

а) бозорда айланаётган товарлар бир хил;

б) ҳар қандай пайтда битимни амалга ошириши мумкин бўлган сотувчи ва харидорлар топилади;

в) нархлар ҳақидаги ахборот оммалашган ёки очик-ойдин бўлади.

Номоддий активни дастлабки тан олиш ва баҳолаш шартлари барча активларга қўйилган икки шарт билан тавсифланган. Номоддий активларни ҳам дастлаб таннархи бўйича ҳисобга олиш кўзда тутилган.

Номоддий активни ҳисобга олишнинг асосий тартиби

Дастлаб тан олингандан сўнг номоддий актив жамғарилган амортизация ва кадрсизланишдан зарарларни чегириб юбориб, таннарх асосида ҳисобга олиниши керак.

Номоддий активни ҳисобга олишнинг альтернатив тартиби

Унга кўра номоддий активлар қайта баҳолаш қиймати бўйича ҳисобга олиниши мумкин.

Амортизация муддати

Номоддий активнинг амортизация қилинадиган қиймати энг яхши тартибда ёки равишда белгиланган хизмат қилиш муддати давомида мунтазам ҳисобдан чиқариб борилиши керак. Номоддий активнинг фойдали хизмат муддатини белгилаш масаласи энг мушкул муаммодир. 38-МҲХСи номоддий активнинг фойдали хизмат муддати йигирма йилдан ошмаслиги керак деган фикрга йўл қўйган. Хизмат муддати белгилашдаги ноаниқликлар мавжудлиги нореал хизмат муддатини белгилаб олишни оқлашга сабаб бўла олмайди, деган уқтириш бериб ўтилган. Ҳар доим бу масалада эҳтиёткорлик тамойилига амал қилиш тавсия этилади.

Амортизация усули

Танланган амортизация усули компания томонидан ушбу активдан олинадиган иқтисодий манфаатларни истеъмол қилиш графигини намоён этиши керак. Агар бундай графикни ўрнатиш имкони бўлмаса, бир текисда ҳисоблаш усулидан фойдаланиш тавсия этилади.

Номоддий активлар ҳақидаги ахборотларни ёритиш

Молиявий ҳисоботларда номоддий активлар хизмат қилиш муддати, амортизация усули, чиқиб кетиши, агар хорижий компанияга тегишли актив қайта ҳисобланган бўлса, курслардаги фарқлар, балансдаги бошқа шу каби муҳим ахборотлар ёритиб борилиши керак.

5. Активларнинг кадрсизланиши

36-МҲХС ига биноан компаниялар шундай амалларни бажаришлари керакки, унга биноан активлар уларнинг қоплаш қийматига мос қийматда ҳисобга олиниши таъминланиши керак.

36-МҲХС қуйидаги активлар кадрсизланишини ҳисобга олиш учун ишлатилади:

- а) заҳиралар;
- б) қурилиш контрактлари бўйича қабул қилинган активлар;
- в) муддати узайтирилган солиқ талаблари;

- г) ходимларга тўловлардан келиб чиқадиган активлар;
- д) 32-МҲХСи соҳасига киритиладиган молиявий активлар.

36-МҲХСида қуйидаги атамалардан фойдаланилади:

Қопланадиган сумма – бу активнинг соф сотиш қиймати ва ундан фойдаланиш қийматининг юқорироғидир;

Фойдаланиш қиймати – активдан узлуксиз фойдаланиш ёки келгусида унинг чиқиб кетишидан кутилаётган пул маблағлари тўловлари ёки киримининг жорий дисконтлаштирилган қийматидир;

Соф сотиш қиймати - бир-бирига боғлиқ бўлмаган, лекин хабардор ва шундай битимларни тузишга ихтиёри бор томонларнинг битимларни амалга ошириш юзасидан активларни сотишдан кутилаётган пул маблағлари суммасидир.

Чиқиб кетиш харажатлари – молиялаштириш ҳамда фойда солиғини чегириб юборишни инобатга олган ҳолда активнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ қўшимча харажатлар.

Қадрсизланишдан зарар – активнинг баланс қийматининг унинг қопланиш қийматидан юқори бўлиши.

Шунингдек стандартда баланс қиймати, эскириш, амортизация қилинадиган қиймат, фойдали хизмат муддати, фаол бозор каби тушунчалар таърифи бошқа шу масалалар кўрилган стандартлар каби изоҳланган.

Бошланғич бирлик (генерирующая единица) – бу активларнинг шундай гуруҳи, улардан тинимсиз фойдаланиш натижасида пул маблағлари кирими таъминланиб, бу кирим бошқа активлар ёки активлар гуруҳидан тушадига пул маблағларига юқори даражада боғлиқ бўлмайди.

Корпоратив активлар – бу репутациядан ташқари, пул маблағлари киримини таъминлайдиган, бошқа барча активлардир.

Стандартга биноан активнинг қадрсизланиш эҳтимоли ҳақида белгини баҳолашда компания минимум даражада қуйидагиларга эътибор қаратиши керак:

Ахборотнинг ташқи манбалари

- а) давр мобайнида активнинг бозор қиймати шу давр мобайнидаги ёки уни нормал ишлатиш натижасидагига нисбатан тезроқ камайган бўлса;
- б) компания ҳолатига таъсир қилувчи компания ишлайдиган технологик, бозор, иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларда сезиларли қзгаришга бўлган ёки кутилаётган бўлса;
- в) инвестицияларга фоз ставкалари ёки инвестициялар фойдалилигини ифода этувчи бошқа кўрсаткичлар давр мобайнида ортса ва бу дисконт ставкасига сезиларли таъсир кўрсатса;
- г) ҳисобот бераётган компания соф активларнинг баланс қиймати унинг бозордаги капитализациясига нисбатан юқори бўлса.

Ахборотнинг ички манбалари

- а) активнинг эскирганлиги ёки жисмоний зарар етганлиги ҳақида далиллар мавжуд бўлса;

б) давр мобайнида ёки келгусида активлардан фойдаланиш даражаси ёки усулларида компания ҳолатига таъсир қилувчи сезиларли ўзгаришлар рўй берган бўлса ёки кутилаётган бўлса;

в) ички ҳисобот активдан фойдаланишнинг жорий ёки келгуси натижалари кутилаётгандан кўра ёмон эканлигидан далолат бераётган бўлса.

Қадрсизланишдан зарарни тан олиш

Стандартга биноан агар активнинг қопланаиши мумкин бўлган қийматиунинг баланс қийматига нисбатан паст бўлса, унинг баланс қиймати қопланиш қийматигача камайтирилиши лозим. *Ана шу камайтириш қадрсизланишдан зарар деб аталади.*

Қадрсизланишдан зарар фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда дарёол харажат деб тан олиниши керак. Ҳар қандан қадрсизланишдан зарар активни қайта баҳолашдан зарар деб талқин қилишиниши лозим.

Моддий ёки номоддий активнинг қадрсизланишидан зарар тан олингандан сўнг активнинг амортизация суммаси, келгусида актив қийматини қолган хизмат муддати давомида тақсимлаб бориш мақсадида, қайта кўриб чиқилиши назарда тутилади.

Бошланғич бирлик деб тавсифланадиган гудвилл қийматини аниқлаш масаласи стандартда алоҳида кўриб чиқилган. Бошланғис бирликнинг қопланиш қиймати унинг баланс қийматидан паст бўлган ҳоллардагина бу актив учун қадрсизланишдан зарар тан олиниши мумкин.

36-МҲХС ида шунингдек юҳорида айтиб ўтилган манбаларда кўрсатилган ҳолларнинг тескариси мавжуд бўлганда қадрсизланишдан зарар қайта тикланиши мумкинлиги уқтириб ўтилган.

5-мавзу: Мажбуриятлар ҳисоби.

1. Фойда солиғи ҳисоби.
2. Ижара ҳисоби.
3. Резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар.

1. Фойда солиғи ҳисоби.

12-МҲХСи фойда солиғига боғлиқ бухгалтерия ёндашишларини кўриб чиқишга бағишланган.

Фойда солиғи ҳисобида марказий масала жорий ва келгуси солиқ оқибатларини қандай ҳисобга олишдир:

- а) компания балансида тан олинадиган активларнинг баланс қийматини келгусидаги қопланиш қиймати;
- б) компания молиявий ҳисоботида тан олинадиган жорий давр муомалалари ва бошқа ҳодисалар.

12-МҲХСида қуйидаги атамалардан фойдаланилади:

Бухгалтерия фойдаси – ҳисобот даврининг солиқ бўйича харажатларни чегиргунга қадар соф фойдаси ёки зарари.

Солиққа тортиладиган фойда (солиқ зарари) – солиқ органлари томонидан белгиланган қоидаларга биноан солиққа тортиш учун ҳисобланган фойда (зарар) суммаси.

Солиқ тўлаш бўйича харажатлар (солиқни ортиқча тўлашдан даромад) – жорий ёки муддати узайтирилган солиққа нисбатан давр мобайнидаги соф фойда ёки зарар ҳисобига киритиладиган ялпи миқдор.

Жорий солиқлар – давр мобайнидаги солиққа тортиладиган фойда (солиққа тортишда ҳисобга олинадиган зарар)га нисбатан тўланадиган фойда солиғи суммаси.

Муддати узайтирилган солиқ мажбуриятлари – солиққа тортиладиган вақтинчалик фарқлар туфайли келгуси даврларда тўланиши лозим бўлган фойда солиғи суммаси.

Муддати узайтирилган солиқ талаблари – бу келгуси даврларда қопланиши кутилаётган фойда солиғи суммаси:

- а) чегириб ташланадиган вақтинчалик фарқлар туфайли;
- б) солиқ чегирмалари сифатида қабул қилинмаган солиқ зарарлари;
- в) фойдаланилмаган ва келгуси даврларга ўтказилган солиқ кредитлари.

Вақтинчалик фарқлар – актив ёки мажбуриятнинг солиқ базаси ва баланс қиймати ўртасидаги фарқдир. Қуйидагича вақтинчалик фарқлар бўлиши мумкин:

- а) *солиққа тортиладиган вақтинчалик фарқлар* – активлар ёки мажбуриятлар баланс қиймати қопланадиган ҳолларда келгуси даврлар учун солиққа тортиладиган фойдани аниқлашда солиққа тортиладиган сумманинг юзага келишига сабаб бўладиган вақтинчалик фарқлар;
- б) *чегириб ташланадиган вақтинчалик фарқлар* – активлар ёки мажбуриятлар баланс қиймати қопланадиган ҳолларда келгуси даврлар учун

солиққа тортиладиган фойдани аниқлашда солиқдан чегириладиган сумманинг юзага келишига сабаб бўладиган вақтинчалик фарқлар;

Актив ёки мажбуриятнинг солиқ базаси – солиққа тортиш мақсадларида актив ёки мажбуриятларга бериладиган қийматдир.

Солиқ бўйича ҳисоб-китобларга биноан жорий ва ўтган даврлар учун солиқ тўланмаган суммага тенг мажбурият сифатида тан олинishi керак. Агар тўланган сумма ўтган ва жорий давр учун тўланиши лозим бўлган суммадан кўп бўлса, ҳисоботда талаб сифатида сумма тан олинishi керак.

Солиқ зарари билан боғлиқ манфаат ўтган даврларга олиб борилиши кераклиги туфайли олинадиган сумма, яъни талаб сифатида тан олинishi керак.

Муддати узайтирилган солиқ мажбуриятлари ва олинадиган суммалар

Барча солиққа тортиладиган вақтинчалик фарқлар учун солиқ мажбурияти тан олинishi керак, агар у қуйидагилар натижасида юзага келмаган бўлса:

а) амортизацияси солиқ мақсадларида чегирилмайдиган гудвилл;

б) актив ёки мажбуриятнинг дастлабки тан олинishi, қачонки:

- у бизнеснинг бирлашуви бўлмаса;

- муомала амалга оширилиш санасига на бухгалтерия, на солиққа тортиладиган фойдага таъсир кўрсатмаса.

Қисқа муддатли солиқ мажбуриятлари (талаблар) жорий ёки ўтган даврлар учун солиқ органларига тўланиши кутилаётган сумма билан ўлчанади. Бу суммалар ҳисобот санаси учун ҳаракатдаги солиқ ставкалари базасида аниқланади.

Фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисобот

Қуйидаги ҳоллардан ташқари ҳолларда жорий ва муддати узайтирилган солиқлар ҳисоботда даромад ёки харажат деб тан олиниб, соф фойда ёки зарарга киритилиши керак:

- Тан олинаётган ўша ёки бошқа даврга тегишли муомала ёки ҳодиса бевосита капитал счётида бўлса;
- Харид кўринишида бизнеснинг бирлашуви.

Ўзаро ҳисоб-китоб

Комапинялар фақат ва фақат қуйидаги ҳоллардагина солиқ талаблари билан солиқ мажбуриятларини ўзаро ҳисоб-китоб қилишлари мумкин:

а) тан олинган суммаларнинг қзаро ўисобғкитоб қилиниши учун юридик ҳуқуқ бўлса;

б) нетто асосда қоплашни ёки активни сотиш йўли билан мажбуриятни қоплашни назарда тутаётган бўлса.

Ахборотни ёритиш

Стандартда солиқ ҳисоби билан боғлиқ қуйидагилар ёритилиши кўзда тутилган:

- Капитал счётига дебет ёки кредит ланган моддаларга тегишли ялпи жорий ва муддати узайтирилган даромад;
- Олдиндан кўзда тутилмаган моддаларга тегиши, лекин ҳисобот даврида тан олинган солиқ харажатлари;
- бухгалтерия фойдаси ва солиқ бўйича харажатлар ўртасидаги боғлиқлик;
- олдинги даврларга нисбатан қўлланилаётган солиқ ставкаларидаги ўзгаришлар;
- балансда муддати узайтирилган солиқ талаби тан олинмаган ҳолларда чегириладиган вақтинчалик фарқлар суммаси;
- муддати узайтирилган солиқ мажбурияти тан олинмайдиган, лекин шуъба корхоналар, филиаллар ёки уюшган компаниялар билан боғлиқ чегириладиган вақтинчалик фарқлар;
- ҳар бир турдаги вақтинчалик фарқлар юзасидан муддати узайтирилган солиқ мажбурияти ёки талаби;
- тўхтатилаётган фаолият бўйича солиқ харажатлари, қачонки улар:
 - фаолиятни тўхтатишдан фойда ёки зарар билан боғлиқ бўлса;
 - тўхтатилаётган одатдаги фаолият юзасидан фойда ёки зарар ҳамда мос равишда ўтган даврлар учун суммалар.

2. Ижара ҳисоби.

17-МҲХСи қуйидагилардан ташқари барча турдаги ижаралар учун қўлланилади:

а) нефть, газ, ўрмон, металл ва бошқа табиий ресурсларнинг қидируви ва улардан фойдаланиш ижараси ҳақидаги шартномалар;

б) кинофильм, видеоёзув, пьеса, қўлёзма, патен ва авторлик ҳуқуқи юзасидан лицензион келишув.

17-МҲХСиди қуйидаги атамалардан фойдаланилади:

Ижара – бу ижарага берувчи ижара тўлови ёки тўловлар серияси эвазига ижарага олувчига келишилган муддат давомида активдан фойдаланиш ҳуқуқини беришга келишилган шартнома .

Молиявий ижара – бу шундай ижараки, унга биноан активдан фойдаланиш билан боғлиқ сезиларли риск ва манфаатлар иккинчи томонга ўтказилади.

Операцион ижара – бу молиявий ижарадан бошқа барса ижарадир.

Бекор қилинмайдиган ижара – бу фақат қуйидаги ҳоллардагина бекор қилиниш мумкин бўлган ижарадир:

- қандайдир шартли воқеанинг юзага келиши;
- ижарага берувчи рухсати билан;
- агар ижарага берувчи ана шу объект юзасидан яна шу ижарачи билан битим тузган бўлса;
- ижарачи томонидан маълум бир сумманинг тўланиши натижасида ижара санасининг бошида унинг давом этиши қафолатланган бўлса.

Ижаранинг бошланиш муддати – бу ёки шартноманинг тузилиши ёки ижаранинг асосий шартлари бўйича мажбуриятларни томонлар ўз зиммасига олган сана.

Ижара муддати бу бекор қилиб бўлмайдиган ижарага берувчи шартнома тузган муддатдир.

Минимал ижара тўловлари – ижара муддати давомида ижарачи тўлаши керак бўлган тўлов.

Ҳаққоний қиймат, Хизмат муддати, Фойдали хизмат муддати тушунчалари бошқа стандартларда берилгани кабидир.

Кафолатланган ликвидацион қиймат – бу ижарачи учун ижарага берувчи томонидан, ижарага берувчи учун эса ижарачи ёки бошқа учинчи шахс томонидан кафолатланаётган муддатдир.

Кафелатланмаган ликвидацион қиймат – бу ликвидацион қийматнинг бир қисми бўлиб, унинг реализацияси ижарага берувчи томонидан тасдиқланмаган, ёки учинчи томон кафолатлангандир.

Ижарага умумий инвестиция – бу молиявий ижара шартномасига кўра минимал ижара тўлови ва ижарага берувчига тўланадиган ҳар қандай кафолатланмаган қийматдир.

Ишлаб топилмаган молиявий фойда – юқоридаги икки тўлов ўртасидаги фарқ.

Ижарага соф инвестициялар – ижарага қўйилган жами инвестицияларнинг олинган молиявий даромадни чегириб юборгандан кейин қолган суммасидир.

Ижарага қўлланилган фоиз ставкалари – ижара муддати бошида дисконтлаштириш ставкаси.

Ижара шартномаси бўйича фоиз ставкаси – бу ижарачи томонидан ижарага берувчига шундай қарзлар олинганда бошқаларга тўланиши лозим бўлган фоиз ставкаси.

Шартли ижара тўлови – бу ижара тўловининг бир қисми бўлиб, у ижара шартномасида кўрсатилмаган бўлса-да бошқа омиллар билан боғлиқдир (масалан, сотиш ҳажми, баҳолар индекси ва бошқалар).

Ана шу ва бошқа тушунчалар ҳамда қоидалар асосида 17-МҲХСда ижара ҳисоби қуйидаги бўлимларда берилган:

Ижарачи молиявий ҳисоботида ижара

Ижарага берувчи молиявий ҳисоботида ижара.

Иккала бўлимда ҳам молиявий ва операцион ижара ҳисоби алоҳида ёритилган.

Ижарачи молиявий ҳисоботида ижара

Молиявий ижара. Хусусан, ижарачи бухгалтерия балансида молиявий ижарани актив ва мажбуриятлар сифатида ҳисобга олиши керак. Бунда уларнинг суммаси ижарага берилаётган мулкнинг ҳаққоний қиймати ёки ижара муддати бошига минимал ижара тўловларининг дисконтлаштирилган қийматига тенг бўлади.

Ижара тўловининг суммаси молиявий харажатлар ва тўланмаган мажбуриятнинг камайишидан иборат бўлади.

Операцион ижара. Операцион ижара бўйича ижара тўловлари фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда ижара муддати давомида бир текисда харажат деб акс эттирилиши керак.

Ижарага берувчи молиявий ҳисоботида ижара

Молиявий ижара. Ижарага берувчи ўз бухгалтерия балансларида молиявий ижарада турган активни тан олиб, уни ижарага соф инвестицияларга тенг дебиторлик қарзи сифатида тан олиниши керак.

Молиявий даромадни молиявий ижарага нисбатан ижарага берувчининг инвестициясининг қопланмаган қисмига доимий фойда нормасини акс эттирувчи графикка асосан тан олиш керак.

Молиявий ижара ижарага берувчи ролида чиқаётган активни ишлаб чиқарувчи ёки дилер томонидан амалга оширилганда, икки хил даромад юзага келиши мумкин:

ижарага берилган активни оддий сотишдан фойда ва зарарга эквивалент бўлган фойда ёки зарар;

ижара муддати давомида молиявий даромад.

Юқоридаги барча ҳолатлар бўйича ҳисоботда ёритишлар берилиши керак.

Операцион ижара. Ижарага берувчилар операцион ижарага берилган активларни ўз бухгалтерия балансида акс эттиришлари керак.

Операцион ижарадан даромад ижара муддати давомида бир текисда даромадлар таркибида тан олиниши керак.

Қайтадан ижарага бериш шарти билан сотиш тушунчасига стандартда таъриф берилган. Бунда сотувчи томонидан активнинг кейинчалик қайтадан ижарага олиш шарти билан сотилиши тушунилади.

3. Резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар.

37-МҲХС барча компаниялар томонидан резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар ҳақидаги ахборотнинг ҳисоби ва уни ёритиш юзасидан қўлланилади.

37-МҲХСи қуйидаги атамалардан фойдаланади:

Резерв – миқдор жиҳатидан аниқланмаган ёки бажариш муддати аниқ бўлмаган мажбурият.

Мажбурият – бу компаниянинг жорий қарзи бўлиб, уни ҳисобғкитоб қилиш иқтисодий манфаат келтирувчи активларнинг чиқиб кетишига олиб келади.

Мажбур қилувчи ҳодиса – бу юридик ёки конструктив мажбуриятни юзага келтирувчи ҳодиса бўлиб, натижада компаниянинг мажбурият ижроси бўйича реал альтернативаси бўлмайди.

Юридик мажбурият – бу қуйидагилар натижасида юзага келадиган мажбуриятдир:

шартнома;
қонун;
қонунчиликнинг бошқа ҳаракатлари.

Конструктив мажбурият – компаниянинг фаолияти натижасида юзага келган мажбурият бўлиб, у:

компаниянинг ўрнатилган амалиёти, сиёсати, компаниянинг етарли даражада эълон қилиши туфайли ўз зиммасига маълум бир мажбуриятларни олиши натижасида юзага келган;
натижада иккала томон ҳам қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини асосли равишда кутишади.

Шартли мажбурият - бу :

эҳтимоли мавжуд мажбурият бўлиб, у компаниянинг олдинги ҳодисалари туфайли юзага келган ва компаниянинг тўлиқ назоратида турмаган бир ёки бирдан ортиқ ноаниқ келгуси ҳодисалар бўлишидан кутилаётган;

жорий мажбурият агар олдинги ҳодисалар туфайли юзага келган, лекин тан олинмаган:

- а) мажбуриятларни тартибга солиш учун иқтисодий манфаатга эга ресурсларнинг чиқиб кетиш эҳтимоли йўқ;
- б) мажбурият суммаси етарли ишончли даражада ўлчаниши имкони йўқ.

Шартли актив - эҳтимоли мавжуд, компаниянинг олдинги ҳодисалари туфайли юзага келган ва компаниянинг тўлиқ назоратида турмаган бир ёки бирдан ортиқ ноаниқ келгуси ҳодисалар бўлишидан кутилаётган активдир;

Реструктуризация – компания раҳбарияти томонидан режалаштирилган ва назорат қилинаётган программа бўлиб, унга биноан:

- компания фаолияти масштаби;
- шу фаолиятни юритиш усуллари ўзгаради.

Шу ва бошқа атамалардан фойдаланган ҳолда стандартда маълумотларни тан олиш, баҳолаш ва ёритиш муаммолари кўриб чиқилади.

Резервларни тан олиш.

Резервлар қуйидаги ҳолларда тан олиниши керак:

- а) олдинги ҳодисалар туфайли компаниянинг юридик ёки конструктив жорий мажбурияти бор;
- б) мажбуриятларни қоплаш учун иқтисодий манфаатларга эга ресурсларнинг чиқиб кетиши талаб қилинади;
- в) мажбурият суммасини ишончли равишда баҳолаш имкони бор.

Агар мазкур шартлар бажарилмаса ҳеч қандай резерв тан олинмаслиги керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, резервлар операцион фаолиятдан келгуси зарарлар учун тан олинмаслиги керак.

Стандартда яна шуни ҳам таъкидлаб ўтилганки, резерв фақат уни тузишда ҳисобга олинган харажатларга нисбатан фойдаланиши мумкин.

Резервларга нисбатан қуйидагилар ёритилиши керак:

Давр бошига ва ахирига резервнинг баланс қиймати;

Давр давомида янги яратилган ва мавжуд резервларнинг кўпайтирилиши;

Давр давомида ишлатилган суммалар;

Резервлар счетларидан ишлатилмай қайтарилган суммалар;

Дисконтлаштирилган суммаларнинг давр мобайнида кўпайиши ва дисконтлаштириш ставкаларининг ҳар қандай ўзгариши;

Таққосланувчан ахборот талаб қилинмайди.

Резервларнинг ҳар бир классига учун қуйидагилар ёритилиши керак:

мажбуриятнинг қисқача табиати ва уларни ҳисоб-китоб қилиш учун иқтисодий манфаатларнинг чиқиб кетишининг вақтинчалик шкаласи;

бундай чиқиб кетишнинг юзага келишининг аниқ вақтини ўрнатишнинг ноаниқлиги кўрсаткичи;

кутилаётган ҳар қандай қоплаш суммаси ҳамда қоплаш учун мўлжалланган ҳар қандай активнинг суммаси.

Камдан кам экстремал ҳолларда 37-МҲХСига биноан ахборот ёритилиши айрим контрактлар бўйича компаниянинг мунозаралари юзасидан қилинган таҳминларга сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда компания мунозаранинг умумий табиати ҳақида айтиб ўтиши етарлидир.

6-мавзу: Даромадлар ва харажатлар ҳисоби

- 1. Тушум, унинг таърифи ва ҳисоби муаммолари.**
- 2. Қурилиш шартномалари ва ҳисоб масалалари.**
- 3. Ҳукумат грантлари ҳисоби ва ҳукумат ёрдами ҳақидаги ахборотларни ёритиш.**
- 4. Қарзлар бўйича харажатлар**

1. Тушум, унинг таърифи ва ҳисоби муаммолари.

18-МҲХС маълум бир типдаги операциялар ва ходисалардан даромадлар ҳисоби тартибини белгилайди.

11-МҲХС қурилиш контрактлари билан боҳлиқ даромадлар ва харажатлар ҳисоби тартибини белгилайди.

11-МҲХС ҳукумат грантлари ва бошқа молиявий ёрдамлар ҳисоби ва уларни ёритиш масалаларини кўриб чиқади.

23-МҲХС қарзлар бўйича харажатлар ҳисобининг мумкин бўлган бухгалтерлик ёндашишларини белгилайди.

ТУШУМ

Компания тушуми — компаниянинг одатдаги фаолиятидан маблаҳларнинг тушиши бўлиб, у сотишдан тушум, фоизлар, дивидендлар, лицензион тўловлар кўринишида бўлиши мумкин.

Тушум ҳисобининг асосий моменти - бу уни тан олиш пайтини белгилашдир.

Тушум компаниянинг келгуси манфаатларни олишининг эҳтимоли мавжуд бўлганда ҳамда тушумни ишончли равишда ўлчаиш имкони бўлганда тан олиниши керак.

18-МҲХС қуйидаги операция ва ходисалар натижасида юзага келган тушум ҳисоби учун қўлланилиши керак:

- а) сотиш;
- б) хизматлар кўрсатиш;
- в) активларнинг, фоизлар, дивидендлар ва лицензион тўловлар келтириши мақсадида бошқа томонларда ишлатилиши.

18-МҲХС қуйидаги атамалардан фойдаланади:

- **Тушум** — давр мобайнида компаниянинг одатдаги фаолияти натижасида иқтисодий манфаатларнинг ялпи тушуми бўлиб, унинг натижасида акционерларнинг бадали эвазига капиталнинг ошишидан фарқ қилувчи капиталнинг ўсиши рўй беради.
- **Ҳаққоний қиймат** — бир бирига боғлиқ бўлмаган яхши таништирилган томонлар ўртасидаги битим туфайли юзага келган мажбуриятларни узиш ёки активларни харид қилиш учун етарли пул маблағлари суммаси.

Тушумнинг ўлчаниши

Тушум унга қарама қарши кутилаётган ёки олинган тақдим этилаётган сумманинг ҳаққоний қиймати бўйича ўлчаниши керак.

Кўпчилик ҳолларда тақдим этилаётган сумма бу пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларидир.

Товарларнинг сотилиши

Товарларнинг сотилишидан тушум қуйидаги шартлар бажарилгандагина тан олиниши керак:

- а) компания товарларга эғалик қилиш билан боғлиқ барча риск ва мукофотларни харидорга ўтказган бўлса;
- б) компания эндиликда товарларга эғалик қилиш билан боғлиқ бошқаришда иштирок этмаса ва сотилган товарларни назорат қилмаса;
- в) тушум суммаси ишончли равишда ўлчаниши мумкин бўлса;
- г) операция билан боғлиқ иқтисодий манфаатларнинг компанияга келишининг эҳтимоли мавжуд бўлса;
- д) операция билан боғлиқ харажатлар ёки кутилаётган харажатлар ишончли равишда ўлчаниши мумкин бўлса.

Молиявий Ҳисобот Халқаро Стандартларига тушунтиришларда ушбу ҳолатлар конкрет мисоллар ёрдамида тушунтириб ўтилган.

Хизматлар кўрсатиш

Хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ операциялар натижалари ишончли равишда ўлчаниши мумкин бўлган ҳолларда операциянинг туш муддатини кўрсатган ҳолда тушум тан олиниши керак. Операциянинг натижаси ишончли равишда ўлчаниши мумкин, агар қуйидаги шартлар бажарилса:

- а) тушум суммаси ишончли равишда ўлчаниши мумкин бўлса;
- б) операция билан боғлиқ иқтисодий манфаатларнинг компанияга келишининг эҳтимоли мавжуд бўлса;
- в) ҳисобот санаси ҳолатига операциянинг тугаш муддати ёки босқичи ишончли равишда аниқланиши мумкин бўлса;
- г) операция билан боғлиқ харажатлар ёки кутилаётган харажатлар ишончли равишда ўлчаниши мумкин бўлса;

Стандартга тушунтиришларда қатор мисоллар билан хизматлар кўрсатишдан тушумларнинг тан олиниш ҳолатлари келтирилган. Мисол тариқасида ўрнатиш учун тўловлар, реклама учун коммиссион мукофотлар, молиявий хизматлар учун мукофотлар, кириш учун йиғимлар, ўқиш учун тўловлар, дастурий таъминотни ишлаб чиқариш учун гонорарлар кабилар келтирилган.

Фоишлар, лицензион тўловлар ва дивидендлар

Бошқаларнинг компания активларидан фойдаланиши туфайли фоишлар, лицензион тўловлар ва дивидендлар каби тушумларни юзага келиши билан боғлиқ операциялар натижалари юқорида бир неча марта айтиб ўтилган асосий икки мезоннинг бажарилишига амал қилинган ҳолдагина тан олинади. Бунда тушум қуйидаги ҳоллардагина тан олинади:

- а) активнинг даромадлилиги самарасини инобатга олувчи вақтга пропорционал асосда фоизлар тан олиниши керак;
 - б) мавжуд шартнома мазмунига мос равишда ҳисоблаш тамойилига биноан лицензион тўловлар тан олиниши керак;
 - в) дивидендлар эса акционерлар уларни олиши учун белгиланган сана ўрнатилганда тан олинади.
- Стандартда, албатта, тушум билан боғлиқ ахборотни ёритиш масаласи алоҳида кўриб чиқилган.

2. Қурилиш шартномалари ва ҳисоб масалалари.

11-МҲХС қурилиш ташкилотлари молиявий ҳисоботларини тузишда қурилиш шартномаларининг ҳисоби учун қўлланилиши керак.

11-МҲХСда қуйидаги атамалардан фойдаланилади:

Қурилиш шартномаси – бу объект ёки бир-бири билан конструкцияси, технологияси, функцияси, пировард ишлатилиши ёки тайинланиши жиҳатидан ўзаро боғлиқ объектлар комплекси қурилишини назарда тутадиган шартномадир.

Белгиланган нархларда шартнома – бу шундай шартномаки, унга биноан пудратчи контрактнинг белгиланган нархига ёки харажатлар ортиб бориши билан ортиб борадиган ҳар бир бирлик маҳсулот учун белгиланган ставкаларга розилик билдиради.

“Харажатлар плюс” шартномаси - бу шундай шартномаки, унга биноан пудратчига йўл қўйиладиган ёки бошқа йқл билан аниқланадиган харажатлар ва ларга нисбатан фоизлар ёки белгиланган мукофот қопланиб берилади.

11-МҲХСга биноан қурилиш ишлари бўйича шартномага қуйидагилар олиб борилмайди:

- маълум бир лойиҳаларни бошқариш объектларини қуриш ёки архитектор хизмати кўрсатиш билан боғлиқ шартномалар;
- объектларни бузиш ёки тиклаш, объектларни бузгандан кейин атроф-муҳитни тиклаш билан боғлиқ шартномалар.

Агар шартнома қатор объектларни қамраб олса, уларнинг ҳар бирининг кўтарилиши **алоҳида шартнома** билан акс эттирилиши лозим, агар:

- а) ҳар бир объект қурилишига алоҳида таклиф тушган бўлса;
- б) ҳар бир объект бўйича алоҳида келишув олиб борилган бўлса ҳамда буюртмачи ҳар бир объектга тегишли шартномаларнинг айрим қисмларини қабул қилиши ёки воз кечиши имконига эга бўлган бўлса;
- в) ҳар бир объект бўйича харажатлар ва даромадларни алоҳида аниқлаш мумкин бўлса.

Шартномалар жамламаси, уларнинг битта буюртмачи ёки бир нечтаси билан тузилганидан қатъий назар, қурилиш бўйича яхлит шартнома деб акс эттирилиши керак, агар:

- а) агар музокаралар шартномалар гуруҳларидан иборат пакет бўйича олиб борилган бўлса;

- б) шартномалар шу даражада ўзаро боғлиқки, улар ҳақиқатан умумий фойда меъёрига эга ягонна лойиҳанинг бир қисмини намоён этади;
- в) шартномалар бир вақтнинг ўзида ёки узлуксиз кетмакетликда амалга оширилса.

Қўшимча объектнинг қурилиши бўйича шартнома алоҳида расмийлаштирилиши лозим.

Қурилиш шартномаси бўйича тушум

Қурилиш шартномаси бўйича тушум қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) шартномада келишилган дастлабки тушум суммаси;
- б) шартнома шартларидан четга чиқишлар, эътирозлар ёки мукофот тўловлари:
- уларнинг даромад келтириш даражасига қараб;
 - ишончли равишда ўлчаш имкони бўлса.

Қурилиш шартномаси бўйича тушум олинган ёки кутилаётган қоплашнинг ишончли қийматида ўлчанади. Қурилиш контракти бўйича тушумни ўлчашга келгуси ҳодисаларга боғлиқ бўлган ноаниқликлар таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳисобланган баҳолашлар ҳодсалар амалга ошиши ва ноаниқликлар ҳал бўлиши маромида қайта кўриб чиқилади. Шу сабабли қурилиш контрактлари бўйича тушум суммаси бир даврдан иккинчи даврга ўтган сайин кўпайиши ёки камайиши мумкин.

Четга чиқишлар – бу буюртмачи томонидан ишлар диапазони ўзгарганлиги ҳақидаги кўрсатмадир. Четга чиқишлар тушумнинг ўзгаришига олиб келади.

Эътирозлар – бу шартномага киритилмаган харажатларни қоплаш мақсадида қурилиш ташкилотининг буюртмачи ёки бошқа томондан ундириб олишга уринаётган суммадир.

Мукофот тўловлари - бу қурилиш ташкилотига ишлар стандарт бўйича ёки ундан ҳам яхшироқ бажарилган ҳолда қўшимча тўланадиган суммадир.

Қурилиш шартномаси бўйича харажатлар

Қурилиш шартномаси бўйича харажатлар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- бевосита контракт билан боғлиқ харажатлар;
- қурилиш шартномаси бўйича фаолият билан умумий ҳолда боғлиқ бўлган ва конкрет шартномага киритилиши мумкин бўлган харажатлар;
- шартнома шартларига кўра қопланиши кўзда тутилган бошқа харажатлар.

Конкрет шартномага бевосита олиб бориладиган харажатларга қуйидагилар киритилади:

- қурилиш майдонидаги ишчилар ва унинг назорати бўйича иш ҳақи харажатлари;
- қурилиш учун ишлатилган материаллар;
- шартномани бажариш учун ишлатилган асосий воситалар амортизацияси;

- қурилиш майдонига машина, ускуна ва материалларни етказиш ва ундан қайтариш харажатлари;
- машина ва ускуналар ижараси харажатлари;
- шартнома билан боғлиқ конструкторлик ва техник ёрдам ишларига харажатлар;
- кафолатланган ишлар, шу жумладан кафолатланган таъмирлаш ҳамда хатоларни тузатишлар бўйича харажатлар;
- учинчи томонлар эътирозлари.

Бундан ташқари қурилиш шартномаси бўйича харажатларга умумий ҳолда алоқадор ҳамда конкрет шартномаларга олиб борилиши мумкин бўлган харажатлар:

- суғурта тўловлари;
- шартнома билан бевосита боғлиқ бўлмаган конструкторлик ва техник ёрдам ишларига харажатлар;
- қурилишнинг устама харажатлари.

Қурилиш шартномалари бўйича даромадлар ва харажатларни тан олиш
Қурилиш шартномаси бўйича натижа ишончли равишда баҳоланиши мумкин бўлса, у бўйича тушум ва харажатлар даромадлар ва харажатлар сифатида тан олиниши лозим. Мос равишда ҳисобот санасига қурилиш шартномаси бўйича ишларнинг тугалланиш даражасини кўрсатиш керак.

Белгиланган нархлар бўйича шартномада қурилиш натижалари қуйидаги шартлар бажарилсагина ишончли равишда баҳоланиши мумкин:

- а) қурилиш шартномаси бўйича умумий даромад ишончли равишда баҳоланиши мумкин бўлса;
- б) компаниянинг шартномадан иқтисодий манфаатлар олишининг эҳтимоли мавжуд;
- в) қурилишни якунлаш билан боғлиқ харажатлар ва қурилиш шартномаси бўйича ишларнинг тугалланиш даражасини ҳисобот санасига аниқ белгилаш мумкин бўлса;
- г) қурилиш шартномаси бўйича харажатлар аниқ идентификация қилиниши ва ишончли баҳоланиши мумкинлиги, натижада қурилиш шартномаси бўйича ҳақиқий харажатлар аввалги баҳолашларга солиштириш мумкин бўлса.

Шартноманинг бажарилиш босқичи турли усуллар билан аниқланиши мумкин. Компания бажарилган ишларни ишончли баҳолаш имконини берувчи усулни танлаб олиши керак. Шартноманинг характериға қараб бу усуллар қуйидагиларни қамраб олиши мумкин:

- қурилиш шартномаси бўйича харажатларнинг қурилиш шартномаси бўйича умумий харажатларга пропорционал равишда аниқланиши;
- бажарилган ишларнинг кузатилиши;
- қурилиш шартномаси бўйича ишларнинг жисмоний улушини ҳақиқий равишда ҳисоблаш.

Буюртмачилардан олинган оралиқ тўловлар ва бўнақлар ишларнинг бажарилиш босқичини кўрсата олмайди.

Ахборотларни ёритиш

Компания қуйидагиларни ёритиши керак:

- давр мобайнида даромад деб тан олинган тушумнинг суммаси;
- давр давомида даромад деб тан олинган суммани аниқлаш усули;
- бажарилаётган шартномалар бўйича бажарилиш босқичини аниқлаш усули.

Қурилиш ишлари давом этаётган компаниялар учун ҳисобот санасига қуйидагилар ёритилиши керак:

- амалга оширилган харажатларнинг жами суммаси ва тан олинган фойда суммаси;
- олинган бўнақлар суммаси;
- ушлаб қолинган суммалар.

Ушлаб қолинган суммалар деб, маълум бир ишлар якунланмагунга қадар тўланмайдиган суммаларга айтилади.

Стандартда ҳисоб юритиш сиёсатини ёритиш масаласига алоғида эътибор берилган.

3. Ҳукумат грантлари ҳисоби ва ҳукумат ёрдами ҳақидаги ахборотларни ёритиш.

20-МҲХС Ҳукумат грантлари ҳисоби ва ҳукумат ёрдами ҳақидаги ахборотларнинг ҳисоби ва уларни ёритишда қўлланилади.

20-МҲХС ида қуйидаги атамалардан фойдаланилади:

Ҳукумат – бу шахсан ҳукумат, ҳукумат органлари ва анлогик ташкилотлар, хусусан маҳаллий, миллий ва халқаро ташкилотлар.

Давлат ёрдами – бу ҳукуматнинг компания ёки компаниялар гуруҳининг маълум бир мезонларга жавоб берадиган махсус иқтисодий манфаатларини таъминлашга қаратилган ҳаракатидир.

Давлат субсидиялари – бу компаниянинг асосий фаолиятига тегишли бўлган маълум бир олдинги ёки келгуси шартларга алмашиш мақсадида компанияга ресурслар бериш кўринишида давлат ёрдами бериш.

Активларга олиб бориладиган субсидиялар – бу шундай давлат субсидияларики, уларнинг асосий шарти шуки, унда маълум бир мезонларга жавоб берадиган компания узок муддатли активларни сотиб олиши, қуриши ёки бошқа йўл билан харид қилиши керак. Бунда яна қўшимча шартлар – активнинг типи ва жойлашган манзили, даврига нисбата чекловлар киритилиши ҳам мумкин.

Даромадларга олиб бориладиган субсидиялар – бу активларга олиб бориладиган субсидиялардан фарқ қилувчи субсидиялардир.

Шартли-қайтарилмайдиган қарзлар – бу шундай қарзларки, уларни кредитор маълум бир белгиланган шартларни бажариш эвазига қайтарилиши талаб қилинмайди.

Ҳаққоний қиймат – бу бошқа стандартларда берилган таърифда кўрсатилган атама.

Давлат субсидиялари

Давлат субсидиялари, шу жумладан номонетар субсидиялар ҳаққоний қиймати бўйича то қуйидагиларнинг бажарилишига тўлиқ ишонч бўлмагунча, тан олинмайди:

- компания унда кўрсатилган шартларга мос келиши;
- субсидияларнинг олинishi.

Давлат субсидиялари уларга мос келувчи харажатлар билан тегишли ҳисобот даврларида даромад сифатида тан олинishi керак. Улар бевосита капитал счётига кредитланмайди.

Баъзи мамлакатларда *ҳукумат ёрдами* маълум бир регионларда, сонат тармоқларида тижорат фаолиятини узоқ муддатли қўллаб-қувватлаш ёки рағбатлантиришга йўналтирилган бўлади. Бундай ёрдамни олиш учун шартлар бевосита операцион фаолиятга олиб борилмайди. Компанияларга ҳукумат томонидан ресурслар берилиши шундай ёрдамга мисол бўла олади:

- маълум бир саноат тармоғида ишласа;
- яқиндагина приватизация қилинган, яъни хусусийлаштирилган корхоналарда фаолиятни давом эттирсалар;
- ривожланмаган вилоятларда тижорат фаолиятини бошласа ёки давом эттирса.

Номонетар давлат субсидиялари

Баъзи ҳолларда давлат субсидиялари компанияларга фойдаланиш учун берилган ер ва бошқа ресурслар шаклидаги номонетар актив кўринишида берилиши мумкин. Бундай ҳолларда номонетар активнинг ҳаққоний қиймати аниқланиб, актив ҳам, субсидия ҳам ана шу қийматда баҳоланади. Баъзида эса номонетар актив ҳам, субсидия ҳам номинал қийматда ўлчанадиган альтернати усулдан ҳам фойдаланилади.

Активларга олиб бориладиган субсидиялар ҳақидаги ахборотни тақдим этиш

Активларга олиб бориладиган Давлат субсидиялари, шу жумладан номонетар субсидиялар ҳаққоний қийматда балансда ёки келгуси давр даромади кўринишида, ёки активнинг баланс қийматини аниқлаш мақсадида чегириб ташланган ҳолда акс эттирилиши керак.

Даромадларга олиб бориладиган субсидиялар ҳақидаги ахборотни тақдим этиш

Даромадларга олиб бориладиган субсидиялар баъзида фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисоботда тушум кўринишида алоҳида, баъзида эса “Бошқа даромадлар” кўринишида тақдим этилади. Альтернати вариантда эса улар фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисоботда келтирилган тегишли харажатлардан чегириш йўли билан акс эттирилади.

Ҳукумат субсидияларининг қайтарилиши

Ҳукумат субсидияларининг қайтарилиши биринчи навбатда келиши кутилаётган тушумдан чегириш орқали кўрсатилиши мумкин. Агар тушум кутилмаётган бўлса, қайтариладиган сумма дарҳол харажат деб тан олинishi

керак. Агар активларга олиб борилган субсидия бўлса, у активнинг қийматини ошириш орқали, ёки келгуси даврлар даромадини камайтириш орқали акс эттирилиш мумкин.

Ахборотни ёритиш

Молиявий ҳисоботда қуйидаги ахборотлар ёритилиши керак:

- давлат субсидияларини ҳисобга олиш бўйича ҳисоб юритиш сиёсати, шу жумладан уларни ҳисоботда акс эттириш усуллари;
- компания маълум бир даражада манфаат олган, молиявий ҳисоботларда акс эттирилган давлат субсидияларининг характери ва размери;
- ҳисоботда тан олинган давлат субсидиялари билан боғлиқ бажарилмаган хўжалик фаолияти фактлари ва шартлар.

4. Қарзлар бўйича харажатлар

23-МҲХСи қарзлар бўйича харажатларни зудлик билан харажатлар деб тан олиншини талаб қилади. Стандарт альтернатив сифатида маълум бир талабларни қондирувчи активни харид қилиш, қуриш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ қарзлар бўйича харажатларни капитализация қилишга ҳам йўл қўяди.

23-МҲХСида қуйидаги атамалардан фойдаланилади:

- **Қарзлар бўйича харажатлар** – компаниянинг қарз маблағлари олиш билан боғлиқ фоиз ва бошқа кўринишидаги харажатлари.
- **Квалификация қилинадиган актив** – кутилаётган фойдаланиш ёки сотиш учун тайёрланиши сезиларли вақтни талаб қилувчи актив.

Қарзлар бўйича харажатлар – ҳисобнинг асосий тартиби

Тан олиш

Қарзлар бўйича харажатлар улар рўй берган давр учун харажатлар сифатида тан олинishi керак.

Ахборотни ёритиш

Молиявий ҳисобот қарзлар бўйича харажатларни ҳисобга олиш сиёсатини ёритиши керак.

Қарзлар бўйича харажатлар – рухсат этиладиган альтернатив вариант

Тан олиш

Қарзлар бўйича харажатларнинг альтернатив вариантга кўра капитализация қилинган қисмидан ташқариси улар амалга оширилган давр учун харажатлар деб тан олинishi керак.

Маълум бир талабларни қондирадиган активларни харид қилиш, ишлаб чиқариш ёки қуриш билан боғлиқ қарзлар бўйича харажатлар шу активларнинг қийматига қўшиш орқали капитализация қилиниши лозим. Бундай мақсадларда капитализация ставкасидан фойдаланиш керак. Капитализация ставкаси ўша даврда олинган ва қопланмаган қарзлар бўйича харажатларнинг ўртача тортилган қиймати билан ўлчанади.

Харажатларни капитализация қилиш қуйидаги ҳолларда бошланиши мумкин:

- ушбу актив бўйича харажатлар юзага келса;
- қарзлар бўйича харажатлар юзага келса;
- активдан унинг тайинланиши йўналишида фойдаланиш ёки сотиш учун тайёргарлик ишлари бошланган бўлса.

Капитализация қилиш бир неча давомли муддатларда объект модификацияси бўйича актив фаолият тўхтатилган бўлсагина тўхтатилиши мумкин.

Қарзлар бўйича харажатлар капитализацияси маълум бир талабларни қондирувчи активни тайинланиши бўйича фойдаланишга ёки сотишга тайёрлаш ишлари тўлиқ якунланган бўлсагина тўхтатилиши керак. Агар объект айрим қисмлари бўйича босқичма босқич топирилса, капитализация ҳам шунга мос равишда амалга оширилиши керак.

Ахборотларни ёритиш

Молиявий ҳисобот қуйидагиларни акс эттириши керак:

- қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби учун қабул қилинган ҳисоб юритиш сиёсати;
- давр мобайнида капитализация қилинган харажатлар суммаси;
- капитализация қилишга тегишли қарзлар бўйича харажатларни аниқлашнинг капитализация ставкаси.

7-мавзу: Молиявий инструментлар

1. Молиявий инструментларни тан олиш ва ўлчаш.
2. Ахборотни тақдим этиш ва ёритиш.

1. Молиявий инструментларни тан олиш ва ўлчаш.

Молиявий инструментларнинг ҳисобига олақадо иккита Молиявий Ҳисобот Халқаро Стандартлари мавжуд. 39-МҲХС молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар ҳақидаги ахборотни ёритишга, 32-МҲХСи эса бевосита молиявий инструментларни молиявий ҳисоботларда акс эттириш ва ёритиш масалаларини кўриб чиқади.

Тан олиш ва ўлчаш

39-МҲХСи товар контрактларига нисбатан қўлланилади, хусусан: а) кутилаётган харидлар, сотиш ва истеъмолни қондириш мақсадида тузилган контрактлар юзасидан; б) бошиданоқ шу мақсадларга мўлжалланган контрактлар бўйича; в) товарларни етказиб бериш орқалибажариладиган контрактлар бўйича.

32-МҲХСда қуйидаги атамаларнинг таърифи берилган:

Молиявий инструмент – бу шундай шартномаки, унга биноан бир вақтнинг ўзида бир компанияда молиявий актив ва бошқа компанияда молиявий мажбурият ёки улуш инструменти юзага келади.

Молиявий актив – бу ҳар қандан активки, у қуйидаги кўринишда бўлади:

- а) пул маблағлари;
- б) бошқа кмпаниялардан пул маблағлари ва бошқа молиявий активларни олишнинг контракт ҳуқуқи;
- в) потенциал манфаатли шартлар асосида бошқа компаниялар билан молиявий инструментларни алмаштиришнинг контракт ҳуқуқи;
- г) бошқа компанининг улуш инструменти.

Савдо учун мўлжалланган молиявий активлар ва мажбуриятлар – дилернинг маржаси ёки баҳоларнинг қисқа муддатли тебранишлари натижасида асосан фойда олиш мақсадида харид қилинган ёки олинган активлар ва мажбуриятлардир.

Қоплангунга қадар ушлаб туриладиган инвестициялар – қатъий белгиланган ёки ҳисобланадиган тўловлар ва белгиланган тўлов муддати мавжуд молиявий активлар бўлиб, компания уларга қатъий ишонган ҳолда маблағ қўйиши мумкин.

Компания томонидан берилган ссудалар ва дебиторлик қарзлари – компаниянинг бевосита дебиторга берган пул маблағлари, товарлари ва хизматлари натижасида шаклланган молиявий активларидир.

Сотиш учун мавжуд молиявий активлар – бу қуйидаги категорияларга тушмайдиган молиявий активлардир: а) компания томонидан берилган ссуда ва дебиторлик қарзлари; б) қоплангунга қадар инвестициялар; в) савдо учун мўлжалланган молиявий активлар.

Молиявий мажбуриятлар – бу шартнома бўйича ҳар қандай мажбурият бўлиб, у:

а) бошқа компанияга пул маблағлари ёки бошқа молиявий активларни беришни;

б) бошқа компанияларга потенциал манфаатсиз асосда молиявий инструментларнинг алмаштирилишини назарда тутди.

Улуш инструменти – компаниянинг мажбуриятлариничегириб ташлагандан сўнг унинг активларига улуш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳар қандай шартномадир.

Пул молиявий активлари ва молиявий мажбуриятлари – бу белгиланган ёки аниқланадиган пул суммаларини олиш ёки тўлашни назарда тутадиган молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятлардир.

Ҳаққоний қиймат ва Бозор қиймати тушунчалари аввалги мавзуларда ёритилган мазмунда молиявий инструментларга мос равишда аниқланган.

Секьюритизация – молиявий активларнинг қимматбаҳо қоғозларга трансформация қилиниш жараёни.

РЕПО битими – молиявий активни келгусида белгиланган кунда сотиб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олган ҳолда пул маблағлари ёки бошқа қоплаш маблағларига алмаштириш орқали бериш ҳақидаги келишувдир.

Дериватив инструмент таърифи

Дериватив инструмент – бу шундай молиявий инструментки, бунда:

а) унинг қиймати унинг асоси бўлган фоиз ставкаси, товар ёки қимматбаҳо қоғоз баҳоси, алмаштириш курси, нарх ёки ставкалар индекси, кредит рейтинги ёки кредит индекси, бошқа ўзгарувчанларга мос равишда ўзгаради;

б) уларни харид қилиш учун бозор конъюнктураси ўзгаришларига аналогик тарзда ўзгарадиган бошқа инструментларга нисбатан унча катта бўлмаган дастлабки инвестициялар зарурдир;

в) келгусидаги маълум бир санада қопланадиган.

Тан олиш ва баҳолаш билан боғлиқ таърифлар

Молиявий актив ёки мажбуриятнинг амортизация қилинадиган қиймати – бу молиявий актив ёки мажбуриятнинг дастлабки тан олиш пайтида аниқланган, лекин жамғарилган амортизация суммасига орттирилган ёки камайтирилган қийматидир. Бунда қарзнинг асосий суммасини қоплаш учун тўловлар ва қадрсизланиш туфайли ёки молиявий активнинг ишончсизлиги туфайли тўловлар чегириб ташланади.

Молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни дастлабки тан олиш

Молиявий актив ва молиявий мажбуриятни дастлабки тан олишда компания унинг қийматини қоплаш учун қилинган ҳақиқий харажатлар, яъни олинган ёки берилган ҳақиқий қийматини инобатга олиши керак. Битимни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ҳам молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар қийматига киритилади.

Молиявий активларни кейинчалик ўлчаш

Сотиш ёки активларнинг бошқа чиқиб кетишлари пайтида битимларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни инобатга олган ҳолда компания молиявий активлар, шу жумладан дериватив активларни, уларнинг ҳаққоний қиймати бўйича ўлчашлари керак. Бундан қуйидаги молиявий активлар истиснодир:

- компания томонидан берилган ва савдо учун мўлжалланмаган ссуда ва дебиторлик қарзлари;
- қоплангунга қадар инвестициялар;
- фаол бозорда бозор котировкасисиз ҳамда қийматини ишончли равишда аниқлаш иложиси бўлмаган ҳар қандай молиявий активлар.

Ҳаққоний қиймат бўйича баҳолашни кўриб чиқиш

Ҳаққоний қиймат қуйидаги ҳолларда ишончли равишда аниқланиши мумкин:

а) бу инструмент бўйича котировка очик фаол фонд бозорида эълон қилинса; б) қарз инструменти мустақил рейтинг агенти томонидан белгиланган рейтингга эга бўлса, бундай қарз инструменти бўйича пул оқимларини асосланган равишда баҳолаш мумкин бўлса; в) молиявий инструмент баҳолашнинг мос келадиган моделига эга бўлса ҳамда бу моделнинг маълумотларини фаол бозордан келатганлиги туфайли ишончли баҳолаш мумкин бўлса.

Ҳаққоний қиймат бўйича баҳолашда фойда ва зарарлар

Ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан тан олинган фойда ҳисобда қуйидагича акс эттирилиш керак:

а) савдо учун мўлжалланган молиявий актив (молиявий мажбурият) бўйича фойда у пайдо бўлган давр соф фойдаси ёки зарарига олиб борилиши керак; б) сотиш учун мавжуд молиявий актив бўйича фойда (зарар) эса:

- у пайдо бўлган даврнинг соф фойда ёки зарарига олиб борилиши керак;
- капитал ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда у сотилгунга, қоплангунга ёки бошқача йўл билан чиқиб кетгунига, актив қадрсизланиши факти ўрнатилгунига қадар капитал счегида тан олиниши керак

3. Ахборотни тақдим этиш ва ёритиш.

Халқаро молиявий бозорларнинг динамик, яъни ўзгарувчан табиати анъанавий инструментлардан бошлаб замонавий дериватив инструментлар, масалан, фоиз свопларигача бўлган турли хил молиявий инструментлардан фойдаланишни тақазо этади. 32-МҲХС молиявий ҳисоботлардаги балансга тегишли ва балансдан ташқари молиявий инструментларнинг компания молиявий ҳолати, фаолият самарадорлиги ва пул оқимлари нуктаи назаридан муҳимлигини тушунишни енгиллаштиришга мўлжалланган.

32-МҲХС молиявий инструментларнинг ҳар қандай типи, уларнинг балансда тан олингани ёки олинмаганидан қатъий назар, учун ахборотларни тақдим этиш ва ёритиш учун қўлланилади.

Стандартларда молиявий инструментларни капитал ва мажбуриятларга бўлиниши, уларга тегишли фоизлар, дивидендлар, фойда ва зарарлар, ҳамда молиявий инструментлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши шартлари ҳақидаги ахборотни тақдим этиш кўриб чиқилган.

Молиявий инструментлар ҳақидаги ахборотни ёритиш бўйича стандартларда эса қуйидагилар белгиланган:

- молиявий инструментлар ҳажми, келгуси тушумлар ёки чиқимларнинг эҳтиомллик даражаси ва вақтига таъсир этувчи омиллар;
- молиявий инструментларнинг ҳисобини юритиш сиёсати;
- молиявий инструментлардан фойдаланиш даражаси ва характери;
- молиявий инструментлар мўлжалланган хўжалик мақсадлари, улар билан боғлиқ риск ҳамда риск, яъни таваккалчилик назорати юзасидан бошқарув органларининг сиёсати.

Юқоридагилардан ташқари стандартда қайта сотиб олинган ўз акциялари ҳисоби ҳам кўрилган. Қайта сотиб олинган ўз акциялари:

- 32-МҲХСига биноан туркумланади;
- Эмитент ёки унинг консолидациялаштирилган шубба корхонаси томонидан сотиб олинган ва ўз қўлида турган;
- Расмий равишда қайтадан кўриб чиқилиши ёки сотилиши мумкин бўлган акциялардир.

Молиявий инструментлар билан боғлиқ битимлар бир томондан иккинчи томонга турли хил рискларнинг берилишига олиб келиши мумкин. Ахборотни ёритишга бўлган талаб фойдаланувчиларнинг ана шу риск даражасини баҳолаши учун маълумотлар олишига имкон яратади. Стандартда баҳо рискин уч турига тўхталиб ўтилган:

- Валюта rischi – бу валюта алмашинув курсининг ўзгариши натижасида молиявий инструмент қийматининг ўзгариши riskидир;
- Фоиз ставкасини қўйиш rischi – бу фоизларнинг бозор ставкалари ўзгариши билан молиявий инструмент қийматининг ўзгариши riskидир;
- Бозор rischi – қандай омил натижасида ўзгаришидан қатъий назар бор нархларининг ўзгариши натижасида молиявий инструмент қийматининг ўзгариши riskидир.

Стандартда ҳар бир риск тури бўйича ёритилиши керак бўлган ахборотлар санаб ўтилган. Жумладан, молиявий инструментларнинг қийматидаги умумий ўзгаришлар суммаси, ҳаққоний қийматда боҳолашдан фойда ва зарарлар ҳамда уларнинг капиталга олиб борилган қисми, молиявий инструментлар билан боғлиқ бўлган ҳамда даромадлар, харажатлар, фойда ва зарарлар бўйича моддалар ёритилиши керак

8-мавзу: Корпоратив гуруҳлар ҳисоби.

1. Бизнеснинг бирлашуви.
2. Консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот ва фарзанд жамиятларга инвестициялар ҳисоби.
3. Уюшган компанияларга инвестициялар ҳисоби.
4. Қўшма корхоналарга улушлар бўйича молиявий ҳисобот

1. Бизнеснинг бирлашуви.

22-МҲХСи бизнеснинг бирлашувини ҳисобга олиш тартибини белгилайди. Бу стандарт бир компаниянинг бошқа компания томонидан сотиб олиншин ҳам, компания-харидорни ажратиб бўлмайдиган манфаатлар бирлашуви ҳолатини ҳам қамраб олади.

22-МҲХСида бизнеснинг бирлашуви деганда харид ёки улушларнинг бирлашувини назарда тутлади. Бизнеснинг бирлашуви кўпчилик ҳолларда харидлардир. Харидлар ҳисоби эса харидлар қиймати, харид қилинган компаниянинг активлари ва мажбуриятлари ўртасида суммани тақсимлаш, харид натижасида пайдо бўлган ижобий ёки салбий гудвилнинг ҳисобини тақазо қилади.

Бизнеснинг бирлашуви ҳуқуқий жиҳатдан қўшилиб кетишга олиб келади. Турли мамлакатларда ҳуқуқий қўшлиб кетишга турлича ёндашишлар мавжуд:

- а) бир компаниянинг активлари ва мажбуриятлари бошқа компанияга ўтиб кетади, биринчи компания йўқотилади;
- б) иккала компаниянинг ҳам активлари ва мажбуриятлари янги компанияга ўтади, уларнинг иккаласи ҳам йўқотилади.

22-МҲХСида қуйидаги атамалардан фойдаланилади:

Бизнеснинг бирлашуви – бу алоҳида компанияларнинг битта иқтисодий ташкилотга бирлашуви бўлиб, унинг натижасида бир компания иккинчиси билан бирлашади ёки бошқа компаниянинг соф активлари ва муомалалари устидан назоратни қўлга киритади.

Харид – бу бизнеснинг шундай бирлашувики, бунда бир компания харидор бўлиб, у иккинчи, яъни сотилаётган компанияга ўз активларини бериш, мажбуриятларни ёки акциялар эмиссиясини зиммасига олиш эвазига унинг соф активлари ва муомалалари устидан назоратга эга бўлади.

Манфаатлар бирлашуви – бу бизнеснинг шундай бирлашувики, бунда бирлашаётган компаниялар акционерлари манфаатлар ва рискларнинг давомий ўзаро тақсимланишига эришиш мақсадида уларнинг соф активлари ва муомалалари устидан умумий назоратни амалга оширадilar; бунда иккала томондан ҳеч бири компания-харидор сифатида таснифланмайди.

Назорат – бу компаниянинг фаолиятидан манфаатга эга бўлиш мақсадида унинг молиявий ва хўжалик фаолиятини бошқариш имкониятидир.

Бош корхона – бу битта ёки бир неча шуъба корхонага эга бўлган компаниядир.

Шуъба корхона – бу бошқа компания томонидан назорат қилинадиган компаниядир.

Озчилик улуши – бу шуъба корхонанинг фаолият натижалари ва соф активларининг бир қисми бўлиб, унинг капиталдаги улушини кўрсатади ва бош корхона шуъба корхона орқали тўғридан тўғри ёки эгри равишда эгалик қила олмайди.

Ха==оний =иймат – муста=ил битим бййича яхши хабардор былган, харид =илишга ёки алмаштиришга рози икки томоннинг активларни алмаштириш ёки мажбуриятни =оплаш суммасидир.

Пул активлари – бу белгиланган ёки ани=ланган суммада олинйиш мумкин былган активлар ва мавжуд пуллар.

Харид санаси – бу сотилаётган компания соф активлари ва муомалалари устидан назоратнинг янги мулкдорга ытиш санаси.

Бизнеснинг бирлашуви характери

Бизнеснинг бирлашувида харид одатда манфаатлар бирлашувидан фар=илади, бунда муомала мощияти молиявий щисоботда кырсатилиши керак.

Харид

Деярли щар доим бизнеснинг бирлашувида бир компания иккинчи компания устидан назоратни олади ва натижада харидор-компанияни ани=лаш =ийин былмайди. Назоратни олиш эса компания овоз бериш щу=у=ига эга акцияларининг ярмидан кыпрогини харид =илишни назарда тутаети. Харидор компанияни Ани=лаш учун компаниялардан бири бирлашув натижасида харид =илиши керак:

- а) бош=а инвесторлар Билан келишган щолда овоз бериш щу=у=ига эга акцияларнинг ярмидан кыпрогига эгалик =илиш щу=у=ини;
- б) Низом ёки келишув асосида бош=а компаниянинг молиявий ва жорий сиёсатини Ани=лаш щу=у=ини;
- в) бош=а компания директорлар кенгаши аъзолари ёки шу каби бош=арув органларини тайинлаш ва алмаштириш щу=у=ини;
- г) директорлар кенгаши аъзолари ёки шу каби бош=арув органларининг йигилишларида кыпчилик овозга эга былиш щу=у=ини.

+айта харид =илиш

Баъзида компаниябош=а компаниянинг акциясини харид =илиб, ызи шунча ми=дорда ызининг овоз бериш щу=у=ига эга акцияларини чи=аради. Натижада бирлашган компания устидан назорат акцияларни сотиб олганлар =ылига ытади. Бу щолат =айта харид =илиш деб аталади.

Манфаатлар бирлашуви

Баъзи щолларда истисно тари=асида харидор компанияни Ани=лаш имкони былмай =олади. Янги ю=ориро= томон юзага келиш ырнига, икки томон =ам

компания соф активлари ва муомалалари устидан назорат юзасидан тенг шу=у=лиликка келишади. Бундан таш=арии, икки томон менежменти компанияни бош=аришда тенг иштирок этади. Натижада бизнеснинг бирлашуви бирлашган компаниялар рисклар ва манфаатларни =ам тенг бўлишади. Бундай бирлашув манфаатлар бирлашуви деб аталади.

Бирлашаётган компаниялар риск ва манфаатларни ызаро та=симлашишига эришиш учун:

а) Овоз бериш шу=у=ига эга бўлган оддий акцияларнинг барчаси ёки ката =исми алмашиши ёки умумий фондга =ыйилиши керак;

б) бир компаниянинг ша==оний =иймати бош=а компаниянинг ша==оний =ийматидан деярли фар= =илмайди;

в) бирлашувдан сынг икки компания акционерлари деярли бир хил овоз ва бир хил иштирокни са=лаб =оладилар.

ХАРИД ШИСОБИ

Харид шисобланган компаниялар бирлашуви харид усулида шисобга олиниши керак.

Харид санаси

Харид санасидан бошлаб харидор компания =уйидагиларни амалга ошириши керак:

- Харид =илинаётган компания фаолияти натижаларини фойда ва зарарлар тыгрисидаги шисоботга киритиши;
- Балансда харид =илинган компаниянинг идентификация =илинган активлари ва мажбуриятларини тан олиши ва харид пайтида юзага келган ижобий ёки салбий гудвиллни шам тан олиши керак.

Харид =иймати

Харид харидор компания томонидан тыланган пул маблаглари ва унинг эквивалентларига ёки ша==оний =ийматга тенг бўлган, ёки харид учун та=дим этилган бош=а суммага тенг бўлган дастлабки =иймат бййича шисобга олиниши керак.

Идентификация =илинадиган активлар ва мажбуриятларни тан олиш

Харид санасига мавжуд бўлган барча активлар ва улар билан олинган мажбуриятлар идентификация =илинадиган активлар ва мажбуриятлар деб тан олиниши керак. Шар доимгидек улар тан олиниши учун тан олишнинг икки мезони бажарилиши керак.

Мажбуриятлар агар сотиб олаётган компания энди мулжаллаётган ёки шаракат =илаётган муомала натижаси бўлса, тан олинмаслиги керак. Харид натижасида юзага келиши мумкин бўлган келгуси зарарлар ва бош=а харажатларнинг юзасидан мажбуриятларни тан олиш мумкин эмас.

Харид санасига харидор резервни тан олиши керак, агар у сотиб олинаётган компания учун мажбурият бўлмаса ва агар:

А) Харид санасига ёки ундан олдин харидор компания сотиб олинаётган компания фаолиятини =ис=артириш ёки тыхтатишнинг режасининг асосларини ишлаб чи==ан былса ва у =уйидагилар билан богли= былса:

- ходимларни ёллаш тыхтатилиши ва сотиб олинаётган компания ходимларига компенсация;
- сотиб олинаётган компания ишлаб чи=ариш =увватларининг =ис=артирилиши;
- сотиб олинаётган компания ишлаб чи=арадиган мащсулот ассортименти ликвидация =илинаётган былса;
- сотиб олинаётган компания томонидан тузилган муаммолар тугдираётган шартномаларнинг бекор =илиниши.

Б) харид санасига ёки ундан олдин режага ало=адор шахслар хабардор былишлари учун эълон =илган былса;

В) харид санаси ёки молиявий щисобот тасди=ланган сананинг =айси бири олдин былса ыша санадан уч ой мобайнида компания режа асосларини расмий батафсил режа сифатида ишлаб чи==ан былса ва унда энг муштим тадбирлар санаси, фаолият йыналиши, унинг манзилгощи, ходимлари сони, кутилаётган харажатлар ва режанинг амалга оширилиш санаси кырсатилган былса.

Харид быйича харажатларнинг та=симланиши

Харид санасига тан олинган идентификация =илинган активлар ва мажбуриятлар яхлит бащоланиши керак:

- идентификация =илинадиган активлар ва мажбуриятларнинг ща==оний =иймати быйича;
- шуъба корхонанинг идентификация =илинадиган активлар ва мажбуриятлардаги улуши быйича.

Ю=оридаги таъриф ва атамалардан таш=ари, Ушбу стандартда идентификация =илинадиган активлар ва мажбуриятларнинг алощида турлари быйича =ийматни Ани=лашнинг мылжаллари белгиланган. Гудвиллнинг тан олиниши ва ылчаниши алощида кыриб чи=илган. Конкрет активлар ва мажбуриятларни харид =илиш учун харажатлар битимни амалга ошириш санасига харид =илинган улушнинг ща==оний =ийматидан орти= былса, гудвилл актив сифатида тан олинади. Гудвилл шар =андай жамгарилган амортизация ёки =адресизланишдан зарар чегириб юборилган дастлабки =иймат быйича щисобга олиниши керак. Агар салбий гудвилл юзага келса, бухгалтерия балансида ундаги туркумлашга мос равишда активлардан чегириш сифатида акс эттирилиши керак.

МАНФААТЛАР БИРЛАШУВИ

Манфаатлар бирлашуви улушлар =ышилиши усулида щисобга олиниши керак.

Бу усулга кыра икала бирлашаётган компаниялар молиявий щисоботларидаги моддалар молиявий щисоботга киритилиши керак. Юзага

келган шар =андай фар=Лар хусусий капиталга тузатишлар сифатида ёритилиши керак.

АХБОРОТНИ ЁРИТИШ

Бирлашув рый берган давр учун щисобот топширилаётганда, бирлашув юзасидан =уйидагилар ёритилиши керак:

- - Бирлашаётган компаниялар ном ива тавсифи;
- бирлашув усули;
- щисоб ма=садларида бирлашув бошланган сана;
- бизнеснинг бирлашуви натижаси сифатида амалга оширилиши кызда тутилган шар =андай фаолият.

Агар бирлашув харид сифатида рый берган былса, унда:

- овоз бериш шу=у=ига эга акциялар ми=дори ва фоизи;
- Харид учун тыланган харажатлар ёки тыланиши мылжалланаётган шар =андай сумма.

2. Консолидациялаштирилган молиявий щисобот ва шуъба компанияларга инвестициялар щисоби.

27-МЩХСи бош компания назоратида былган компаниялар гурущи учун молиявий щисоботни тузи шва та=Дим этишга нисбатан =ылланилади. Бундан та=арии Ушбу стандарт шуъба корхоналарга =ыйилган инвестицияларнинг бош компания алощида молиявий щисоботида акс эттирилишига нисбатан =ылланилади.

27-МЩХСида =уйидаги атамалардан фойдаланилади:

Назорат – компаниянинг фаолиятидан манфаат олиш МА=садида унинг молиявий ва хыжалик сиёсатини бош=ариш имконияти.

Шуъба корхона – бош=а (одатда бош компания) компания томонидан назорат =илинадиган компания.

Бош компания – бир ёки бир неча шуъба компанияга эга компания.

Гурущ – бу барча шуъба компаниялар Билан бош компания.

Йигма молиявий щисобот – бу гурущнинг ягона компания молиявий щисоботи сифатида топширган молиявий щисоботи.

Озчилик улуши таърифи ю=орида берилган щолда баён этилган.

Бош компания йигма молиявий щисобот топшириши шарт.

Йигма молиявий щисобот тузишда бош ва шуъба компаниялар активлари, мажбуриятлари, даромад ва харажатлари аналогик моддалари сатрма сатр =ышиб бирлаштирилади. Бунда щисобот ягона компания молиявий щисоботи сифатида та=дим этилиши учун:

Йигма молиявий щисоботнинг =ылланиши сощаси

Йигма молиявий щисобот та=дим этадиган Бош компания консолидациялаштирилган молиявий щисоботга барча шуъба

компанияларини, яъни мамлакат ичидаги ва хорижий компанияларни киритиши шарт.

Консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботга бош компания томонидан назорат =илинадиган барча компаниялар киритилади. Агар Бош компания бевосита ёки шуъба компаниялари ор=али билвосита қуринишда компания овозларининг ярмидан кўпига эга бўлсагина назорат мавжуд ҳисобланади. Компания овоз бериш ҳу=у=ига эга бўлмаган акцияларнинг ярмидан кўп бўлмаган акцияларга ҳамда =уйидагиларга эга бўлса ҳам назорат мавжуд ҳисобланади:

- Бош=а инвесторлар билан келишган ҳолда овоз бериш ҳу=у=ига эга акцияларнинг ярмидан кўпини бош=ариш имконига;
- Низом ёки келишувга биноан компания молиявий ва хўжалик сиёсатини бош=ариш ваколатига;
- Директорлар Кенгаши ёки шу каби бош=а бош=арув органи аъзоларини тайинлаш ёки силжитиш имконига;
- Директорлар Кенгаши ёки шу каби бош=а бош=арув органлар йиғилишларида қўқчилик овозга эга бўлиш имконига

Маълумотлар тайёрлаш тадбирлари

1. Йиғма молиявий ҳисоботни тузиш пайтида бош ва шуъба компаниялар молиявий ҳисоботлари сатрма сатр активлар, мажбуриятлар, капитал, даромадлар ва харажатларнинг аналогик моддаларини =йиш ор=али бирлаштирилади. Йиғма молиявий ҳисобот ягона компания ҳисоботи сингари топширилишини таъминлаш учун =уйидагилар шарт:
2. Бош компаниянинг ҳар бир шуъба қўмпанияга инвестициясининг ҳамда шуъба қўрхона капиталининг бош компанияга тегишли =исмининг баланс =иймати чегириб юборилади;
3. Шуъба компанияларнинг ҳисобот даври давомида ишлаб топилган соф фойдадаги озчилик улуши ҳисоблаб топилади ва фойданинг бош компания мулкдорларига тегишли =исмини тузатишда ишлатилади.
4. Шуъба компанияларнинг соф активлардаги озчилик улуши йиғма балансда бош компания акционерлари капитали ва мажбуриятларидан ажратиб қўрсатилади.

Йиғма молиявий ҳисобот тузишда ягона ҳисоб юритиш сиёсатига амал =илиши талаб этилади.

Ахборотларни ёритиш

Молиявий ҳисоботда =уйидагилар албатта ёритилиши керак:

- Ащамиятли шуъба компанияларнинг руйхати, уларнинг номи, мамлакати, руйхатдан ытиш жойи, бош компанияга тегишли овоз бериш шу=у=ига эга акцияларнинг улуши ёки фоизи;
- Агар шуъба компания йигма молиявий щисобга киритилмаслиги сабаблари;
- Бош ва шуъба корхоналар ало=аси характери;
- Бош компания овоз бериш шу=у=ига эга былган акцияларнинг ярмидан купрогига эга былган, лекин назоратга эга былмаган компаниянинг номи.
- Алошида молиявий щисоботда шуъба компаниялар щисоби усуллари.

3. Уюшган компанияларга инвестициялар щисоби

28-МЩХСи инвесторларнинг уюшган компанияларга инвестициялари щисоби учун =ылланилади.

Мазкур стандартда =уйидаги атмалардан фойдаланилади:

Уюшган компания – инвестор ащамиятли таъсирга эга былган, инвестор учун шуъба компания щам, =ышма корхона щам щисобланмайдиган компания.

Ащамиятли таъсир – инвестиция киритилган компания фаолияти ва молиялаштириш сиёсати юзасидан =арорлар =абул =илиш шу=у=ига эга былиш, лекин назоратга эга былмаслик.

Назорат – бу фаолият натижасида манфаат олиш ма=садида компаниянинг молиявий ва хыжалик сиёсатини бош=ариш имконияти.

Шуъба компания – одатда бош компания томонидан назорат =илинадиган компания.

Улушда =атнашиш усули – бу шундай усулки, унда инвестиция дастлаб тарихий =ийматда акс эттирилиб, кейинчалик инвестор томонидан компания соф активларидаги улуш сотиб олингандан сынг тузатиш амалга оширилади.

Тарихий =иймат усули – бу шундай щисоб усулики, бунда инвестиция харид =ийматида акс эттирилади. Фойда ва зарарлар тыгрисидаги щисоботда инвестор инвестиция =илган объект жамгарган соф фойдадан олинадиган =исми кырсатилади.

Ащамиятли таъсир

Агар инвестор бевосита ёки шуъба компаниялар ор=али билвосита равишда инвестиция =илинган объектнинг 20 %дан кыпро= овоз бериш шу=у=ига эга акцияларига эга былса, инвестор ащамиятли таъсирга эга. Агар 20 % гача акцияларга эга былса аксинча щисобланади.

+уйидаги щолларда щам инвестор томонидан ащамиятли таъсир мавжудлиги тасди=ланади:

- инвестиция объекти директорлар кенгаши ёки бош=а шу каби бош=арув органидаги ваколат;
- сиёсатни ишлаб чи=ариш жараёнида =атнашиш;
- инвестор ва инвестиция объекти ыртасидаги йирик операциялар;
- бош=арув персоналини алмашиш;
- мушжим техник ахборотни та=дим этиш.

Йигма молиявий щисобот

Йигма ёки консолидациялаштирилган молиявий щисоботда уюшган компанияларга инвестициялар улушда =атнашиш усулида щисобга олиними керак.

Улушда =атнашиш усулига биноан инвестиция дастлаб таннарх быйича ёзилиб, кейинчалик унинг баланс =иймати инвесторнинг инвестиция =илинган объект фойда ва зараридаги улуши щисобига тузатиб борилади.

4.Қўшма корхоналарга улушлар бўйича молиявий ҳисобот

31-МХХСи қўшма фаолият амалга оширилиш шакли ва тузилмасидан каттй назар тадбиркорлар ва инвесторларнинг молиявий ҳисоботларида қўшма фаолиятда иштирок этиш юзасидан активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатлар бўйича ҳисоботлар ва қўшма фаолиятда иштирок улуши ҳисоби учун қўлланилади.

31-МХХСида қуйидаги атамалардан фойдаланилади:

Қўшма корхона – бу икки ёки ундан ортиқ томонларнинг иқтисодий фаолиятни биргаликда, яъни қўшма тарзда назорат қилишини белгилайдиган контракт битимдир.

Назорат – иқтисодий фаолиятдан фойда, яъни манфаат олиш мақсадида молиявий ва ҳўжалик сиёсатини бошқариш имконияти.

Қўшма назорат – иқтисодий фаолият устидан назоратни тақсимлаш ҳақидаги контракт битим.

Аҳамиятли таъсир – иқтисодий фаолиятни юритиш ва молиявий сиёсат юзасидан қарорларни қабул қилишда иштирок этиш имконияти бўлиб, бунда шу сиёсат устидан назорат ёки қўшма фаолият устидан қўшма назорат назарда тутилмайди.

Тадбиркор – қўшма фаолиятдан қўшма назоратни назарда тутадиган қўшма фаолият ҳақидаги шартнома иштирокчиси.

Инвестор - қўшма фаолиятдан қўшма назоратни назарда тутмайдиган қўшма фаолият иштирокчиси.

Пропорционал олиб бориш – тадбиркорнинг молиявий ҳисоботида қўшма назоратдаги корхона активлари, мажбуриятлари, даромадлари ва харажатларида тадбиркорнинг улушини на шундай моддаларга қўшиш ёки тадбиркорнинг молиявий ҳисоботида алоҳида моддалар сифатида кўрсатиш учун қўлланиладиган ҳисоб ва ҳисобот усули.

Улушда қатнашиш усули – қўшма назоратдаги корхонадаги улуш дастлаб тарихий қийматда кўрсатилиб, сўнгра тадбиркорнинг қўшма фаолиятдаги

иштирокини инobatга олиб тузатилишини назарда тутадиган ҳисоб ва ҳисобот усули. Фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисоботда тадбиркорнинг қўшма фаолиятдаги улуши кўрсатилади.

Қўшма фаолият шакллари

31-МҲХС қўшма фаолиятнинг қуйидаги типларини белгилайди:

- Биргаликда назорат қилинадиган операциялар;
- Биргаликда назорат қилинадиган активлар ва биргаликда назорат қилинадиган компаниялар.

31-МҲХСига биноан қўшма фаолиятга қуйидаги тавсифлар тегишлидир:

- Икки ёки ундан ортиқ компаниялар шартнома бўйича келишув орқали боғланганлар;
- Шартнома келишуви қўшма назоратни ўрнатади.

Тадбиркорнинг консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботи

Ҳисобнинг асосий тартиби – пропорционал олиб бориш

Тадбиркор ўзининг йигма ҳисоботида қўшма назоратда қилинадиган компаниядаги иштироки улушини пропорционал олиб бориш йўли билан акс эттириши керак.

Ҳисобнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган альтернатив тартиби- ҳисобнинг улушда қатнашиши усули

Тадбиркор ўзининг йигма молиявий ҳисоботида бирагликда назорат қилинадиган компаниядаги ўз улушини улушда қатнашиш усули билан кўрсатиши шарт.

Тадбиркор биргаликда назорат қилинадиган компанияда биргаликда, яъни қўшма назорат ёки аҳамиятли таъсирнинг тўхтатилиши билан улушда қатнашиш усулидан фойдаланишни тўхтатиши керак.

31-МҲХСда тадбиркор ва у билан биргаликда назорат қилинадиган компания ўртасида амалга оширилган операциялар юзасидан маълумотларни акс эттириши тартиби ҳам кўрсатилган. Хусусан, агар тадбиркор қўшма фаолият активини сотса, олинган фойда ёки зарарнинг ҳар қандай тан олиниши ушбу операциянинг моҳиятини ёритиши керак. Агар тадбиркор активга эгалик қилиш билан боғлиқ ҳар қандай риск ва муқофотларни қўшма компанияга топширган бўлса, ҳисоботда фақат бошқа тадбиркорлар манфаатига тегишли фойда ва зарарлар кўрсатилиши керак. Тадбиркор, агар активни бераётганида ёки сотганида, унинг соф сотиш қийматининг пасайиши ёки қадрсизланиши туфайли нархи тушиши натижасида зарар кўрилган бўлса, тегишли далиллар асосида уларни кўрсатиши керак.

Ахборотларни ёритиш

АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Международные стандарты бухгалтерского учета. I том. - Ташкент, 2000.
2. Международные стандарты бухгалтерского учета. II том. - Ташкент, 2000.
3. Нидлз Б., Андерсон Х. Колдуэлл Д. "Принципы бухгалтерского учета", Москва, Финансы и статистика, 2002г.
4. Сидней Грей, Бэльярд Нидлз, Финансовый учет: глобальный подход. Том 1, 2004г.
5. Сидней Грей, Бэльярд Нидлз, Финансовый учет: глобальный подход. Том 2, 2004г.
6. "Финансовый учет 2" Учебное пособие I том. Проект развития предпринимательства ЮСАИД /Корпорация "Прагма", Ташкент - 2002.
7. "Финансовый учет 2" Учебное пособие II том. Проект развития предпринимательства ЮСАИД /Корпорация "Прагма", Ташкент - 2002.
8. Разъяснения Международных Стандартов Финансовой Отчетности. Учебно-справочное пособие. Корпорация "Прагма", Ташкент, 2001.

Қўшимча адабиётлар.

1. Дж.К.Ван Хорн "Основы управления финансами", Москва, Финансы и статистика, 2000.
2. Мюллер Г., Гернон Х., Миик Г. "Учет: международная перспектива." - Москва, Финансы и статистика, 1992 г.
3. Панков Д.А. Бухгалтерский учет и анализ в зарубежных странах., Минск, ИП "Экоперспектива", 1998.
4. Ткач В.И., Ткач М.В, Международная система учета и отчетности, Москва Финансы и статистика, 1992 г.
5. Френк Вуд. Бухгалтерский учет для предпринимателей. - Часть 1. "Х.Г.С.", - Москва, 1992 год.
6. Френк Вуд. Бухгалтерский учет для предпринимателей. - Часть II. "Х.Г.С.", - Москва, 1992 год.
7. Managemeng accounting. The Capital Budgeting Process
8. Version 1.0. authors: Thomas Klammer Jan Bel Shahid Ansari
The Me Graw-Hill Companies, Inc. , 2000

9. Advanced Accounting Joe B. Hoyle,
Thomas F, Schaefer, and Timothy S. Douppnik C 1998 by The Me
Graw-Hill Companies, Inc
10. Intermediate accounting / Lanny G. Chasteen, Richard E. Flahevy,
Melvin C. O' Connor.- 6th ed. C 1998. Exclusive rights
by The Me Graw-Hill Companies, Inc
11. Advanced accounting Joe B. Hoyle , Thomas F. Schaefer. Ti-
12. Mothey S. Doyppnik,-5th ed C 1998 by The Me Graw-Hill companies.